



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013 yil 20 sentabr • №38 (4229)

УСТЮРТ ГУРУНЛАРИ

Бу сафарни анча илгаридан кўнгалга тутиб келардим. Унинг амалга ошиши эса август ойининг сўнгги кунларига тўғри келди. Улуғ айём арафасида "Uz-Kog Gas Chemical" компаниясидан кўнги-роқ қилишиб, "Самолётга чипта буюрилган, сизни Нукусдаги вақилимиз кутиб олиб, Оқчалокда барпо этилаётган мажмуа билан батафсил таништиради", деб қолишди. Таҳририятда ишлар кўпайган, байрам тараддуди воят қизини бўлса-да, дарҳол жомадонни ҳозирлаб, "Қайдасан, Устюрт?" дея йўлга равона бўлдим.

Тўғриси, бундай имконият ҳамма-вақт ҳам бўлавермайди. Қалам аҳли учун она юрт кенгликларига сафар қилишдан, жаҳон эътирофига сазовор қурилишларни бориб кўриб, янги асрнинг улкан иншоотларини барпо этаётган замондошлар билан танишишдан ҳам завқлироқ нима бор?

Устюртга илгари ҳам икки бор сафар қилганман. Бунга анча йиллар бўлди. Замин сатҳидан 150-250 метр баланддаги супасимон улкан текисликни атрофдан 60-150 метрлик тик жар-

лик — чинқлар ажратиб туради. Уни қанча кўп кезманг, барибир, нигоҳингиз бор бўйича қамраб ололмайдим. Негаки, Орол ва Каспий денгизлари ора-

Ёзувчилар уюшмаси бўлганмаси билан

лигидаги Манғишлоқ ярим ороли ҳамда Қорабўғозқўлга қадам ястанган бу буюк кенгликнинг ҳаммаёғи сир-синоатга лиммо-лим. Музбел, Қорабўғур қирлари, кенг сайхонлик ва саксовулзорлар, Сам ва Уртаган қумлиқлари, ботиқ жойларда эса Борса-келмас, Қорашўр

шўрхоқликларининг ҳар бири ўзига хос бетакрор олам. Бу ҳудудга неча бор саёҳат қилманг, албатта, ҳар бир сафарингиз янги таассуроту топилмалар, "кашфиётлар"га бой бўлади. Шунинг учун бўлса керак, Устюртга йўл олаётиб ҳар гал ҳаяжонланаман, қомуслару турли манбалардан унинг тарихига доир маълумотларни кўздан кечираман. Қадимда бу маъводан Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи ўтган. Унинг бағрида ўнлаб кўҳна қальалар, қадимги шаҳарларнинг харобалари мавжуд. Устюртнинг шимол-шарқий ҳудудларида тўқтинлари мавжлашиб ётган Орол қуригандан сўнг эса унинг асрий қиёфаси тез ўзгара бошлади. Қирғоқларидан йироқлаб кетган денгиз тубидан кўтарилган захар-зақум тўзон ҳудуднинг набототу ҳайвонот оламига, тирикчилик тарзига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Давоми иккинчи саҳифада.



Ўзбек миллий академик драма театри, "Ўткан кунлар" спектаклидан лавҳа.

"АМИР ТЕМУР"

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг зафарли юришлари, ҳаёти ва оламшумул фаолияти ҳақида жаҳон халқлари адабиётларида турли жанрлар-

критиши, жумладан, Европада ўша даврда катта ҳавф солиб турган қудратли ҳукмдор, турк султони Иилдириш Боязид устидан галаба қозониши бадиий маҳорат билан тасвирланади.

Муаллиф асл тарихий манбаларга асосланиб, Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган буюк ўрни, инсоният тамаддунидаги беқиёс хизматларини ҳаққоний ёритиб берган.

"Амир Темур" романини Озарбойжон тилидан таниқли шоир ва таржимон Усмон Кўчқор ўзбекчалаштирган.

"Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган мазкур тарихий романга М.Қутлиева муҳаррирлик қилган. Тақризчилар тарих фанлари доктори М.Содиқов, ЎзФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими Ф.Каримий ва "Олтин қалам" мукофоти соҳиби Қ.Қангарли.



Дониш ҳанроқ

да кўплаб асарлар яратилган. Озарбойжонлик таниқли адиб Юнус Уғизнинг икки жилдан иборат "Амир Темур" тарихий романи ана шундай асарларнинг навбатдагиси. Романнинг биринчи китоби 1398 йил воқеалари билан бошланади. Унда соҳибқирон Амир Темур ҳаётидаги энг муҳим воқеалар — унинг Ҳиндистонга юриш қилиб, бу мамлакатни забт этиши ҳикоя қилинади.

Иккинчи китобда Амир Темурнинг Кичик Осиёга уюштирилган зафарли юриши, бир неча мамлакатларни қўлга


НАВОИЙ ҲАЗАЛЛАРИ ПОЛЯК ТИЛИДА

Бугун нафақат ўз юртимизда балки, бутун дунёда ҳам Алишер Навоий ижодий меросидан баҳраманд бўлишга эҳтиёж ва қизиқиш охири бормоқда. Буни шоир асарларининг хорижий тилларга муттасил таржима қилинаётганидан ҳам билиш мумкин. Шоиримиз ижодиётини Фарб дунёси одамлари онги ва қалбига чуқурроқ сингдириш учун изчил изланаётган хорижий таржимонларнинг бу борадаги изланишлари ҳар жиҳатдан эътирофга сазовор.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида полшалик мутахассис Януш Кжижовский томонидан Алишер Навоий ҳазаллар тўплами биринчи маротаба поляк тилига таржима қилинди. Ушбу тўплам айни пайтда Полша давлат кутубхонаси каталогидан ҳам жой олди. Нашрнинг бир нусхаси эса муаллифнинг истагига биноан Ўзбекистон миллий кутубхонасига фойдаланиш учун тақдим этилди.

— Биз Януш Кжижовскийнинг Алишер Навоий ижодидан поляк тилига қилган айрим таржималарини яқинда нашр этилган "Қуш тили" халқаро шеърят антологиясига ҳам киритдик, — дейди шоир ва таржимон Аъзам Обидов. — Сиз танишаётган ушбу тўплам эса поляк китоб-

хонларига ўзбек адабиётининг буюк намоёнаси Алишер Навоий ижоди билан яқиндан танишиш, шу тариха шарқ шеърятинидаги нафислик, сўз сеҳри ва жиллолаларидан баҳраманд бўлиш имконини беради. Таржимон Януш Кжижовский омавий ахборот воситаларига берган интервьюларида:



Эътироф

"Навоийни қайта-қайта ўқиб, таржима қилар эканман, ўзимни гўё Шалимлар боғларида сайр қилгандай ҳис қиламан: ўхшаш дарахтлар, гулу чаманлар ва ажиб ифторлар, аммо гўзаллигининг ўзгача рангини кашф этаман", дея буюк бобоимиз асарлари ҳақидаги ҳайратларини ифода этади.

Януш Кжижовский Полша Тиббиёт академияси ва Варшава университетининг фалсафа факультетини тамомлаган. Берлиндаги Гумбольдт университетидеда фан доктори унвонини олган олим шарқнинг бир неча машҳур шоирлари асарларини таржима қилиш билан бирга Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларини ҳам поляк тилига ўғириш устида иш олиб бормоқда.

Фариза УСМОНОВА, ЎЗМУ талабаси

МУМТОЗ АСАРНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

налаштирилган янги спектакл тақдими ҳам санъат ихлосмандларини бефарқ қолдирмади.

Маълумки, адабий асарни саҳнага олиб чиқиш ҳар қандай театр жамоасидан катта тайёргарлик талаб этади. Шу билан бирга "Ўткан кунлар" каби мумтоз асар асосида спектакл қўйиш ижодкорлар учун ўзига хос сино ҳамдир. Айтиш мумкинки, Миллий театр жамоаси янги саҳна асарини яратиш жараёнида жиддий изланган. Режиссёр Марат Азимов, Фатхулла Маъсудов (Отабек), Дилноза Кубаева (Қумуш), Моҳира Нурматова (Зайнаб), Ёқуб Аҳмедов (Юсуфбек Ҳожи), Гулчеҳра Иброҳимбекова (Ўзбекомим) каби актёрлар жамоасини тўплашга эришганини таъкидлаш лозим.

Албатта, спектаклда романдаги асосий

налаштирилгани рамзий маънога эга, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган актриса Муяссар Бердиқуллова. — Зеро, "Ўткан кунлар" романи, аввало, ўзбек миллий адабиётининг намунаси ҳисобланади. Шу сабабли ҳам бу асарнинг саҳнавий талқини айнан бизнинг театримизда бўлиши зарур эди, деб ўйлайман.

Мазкур спектаклнинг саҳналаштирилиши ўзбек театр санъати аъёнларини муносиб равишда давом эттириш йўлидаги изланишлардан биридир. Тақдиримизда маросимга тўпланган мухлислар қатори ижодий жамоамиз аъзолари ҳам ушбу спектаклни катта қизиқиш билан томоша қилишди. Умид қиламизки, "Ўткан кунлар" спектакли репертуридан мустахкам жой олиб, театримизда саҳналаштирилган мумтоз асарлар сафини тўлдирди.

Ўз мухбиримиз.

ҚЎШИҚ СЕҲРИ

Одатий кунларнинг бирида Қобил ака Ширинов коллеждаги дарсини тутатиб уйига қайтади. Чопқолаб отасини қарши оладиган ўғлидан негадир дарак йўқ. Ҳайратини сездирмай, қўлидаги мусиқа асбобларини қўйиш учун ижод хонасига киради. Чоғу асбоблари орасида ниманингдир "ғимир-ғимир"и диққатини тортади. Фурсат ўтмай, бир филонинг оғзи очилиб, қиқирлаган митти Абдуллажон кўринади.



Навоий авлод сузи

5

Болалар ва ўсмирларнинг сеvimли маскани — республика Ёш томошабинлар театри ёғи танаффусдан сўнг яна мухлислар билан гавжум. Кунин-кеча ижодий жамоа янги — саксон бешинчи мавсумини қарши олди. Аср билан бўйлашиб бораётган театр узоқ йиллар давомида эртани эгаларининг маънавий баркамоллик руҳида тарбия топишларига ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугун эл орасида ҳурмат қозонган қай бир зиёли билан суҳбат қурманг, ёшлигида, албатта, шу театрга келганини, устоз санъаткорлар ижросида машҳур спектаклларни мароқ билан томоша қилганини тилга олади. Кутлуг масканининг бу йилги очилиш маросими ҳам кўтаринки кайфиятда ўтди.

Мавсум театр жамоасини қувонтирадиган ажойиб янгилик билан бошланди. Узоқ йиллардан буён ўзининг ранг-баранг роллари билан ёш томошабинлар меҳрини қозониб келаётган актриса Дилбар Абдулазизова истиқлол байрами арафасида "Ўзбекистон халқ артисти" унвони билан тақдирланди. Байрам тадбирига йиғилганлар санъаткорни юксак мукофот билан табриқладилар. Тадбирда Маданият ва спорт ишлари вазири, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш

бирлашмаси мутасадди ходимлари, соҳа ижодкорлари ҳамда театр ихлосмандлари иштирок

БОЛАЛАР ТЕАТРИ МАВСУМГА ТАЙЁР

этиди. Мўъжазгина фойе устоз санъаткорларнинг портретлари, театрининг мумтоз спектакллари акс эттирилган фотолаҳзалар билан безатилди. Ижодий устaxonада фаолият кўрсатаётган рассомларнинг асарлари, Ёшлар ижод саройи ўқувчиларининг ишлари, шунингдек, болалар фольклор ва эстрада ансамбллари чикишлари йиғилганларда ўзгача таассурот қолдирди. Театрнинг таҳрибали актёрлари барчани қўшалоқ айём — Истиқлол байрами ва янги мавсум очилиши билан самимий муборакбод этдилар. Шу кунин йиғилганлар эътибо-

рига хитой халқ эртаги асосида саҳналаштирилган "Сеҳрли дур" (режиссёр — О.Салимов) спектакли намойиш этилди.

— Сентябрьнинг илк кунлари республикамизнинг барча саҳналарида қизгин ижодий жараён бошланади, — дейди театр директори ўринбосари Баҳром

Усмонов. — Табиийки, ўтган мавсум сарҳисобини қилмай туриб, янги лойиҳа ва режалар тузиб бўлмайдим. Ҳар йили ижодий режамизда камиде тўртта спектаклни саҳналаштириш вазифаси туради. Яқунланган мавсум адоғида шоир Хислатнинг "Мушук ила сичқон", Ганс Христиан Андерсеннинг "Ирkit ўрдакча" эртаклари асосида томошабон спектакллар саҳналаштиришга муваффақ бўлдик. Бу мавсумда эса театримизга катта шухрат келтирган, узоқ йиллар давомида устоз санъаткорлар томонидан ўйналган "Ковоқвой ва Чанқоқвой" спек-

таклини қайта тиклаш ниятимиз бор. Давр синовидан ўтган биз учун муҳим жараён. Ҳар йили актёрлар ансамбли санъат ва маданият институтини тамомлаган ёш ижрочилар билан бойиб бормоқда. Келажак авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашда тарихий шахслар, миллий қаҳрамонларнинг жўшқин, ибратомуз

режиссёрлик мактаби аъёнларини шакллантириш ҳамда айрим ижтимоий-ахлоқий масалаларга эътибор қаратишни ният қилганмиз.

Ижодий жамоамизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, янги истеъдодларни театрга жалб этиш биз учун муҳим жараён. Ҳар йили актёрлар ансамбли санъат ва маданият институтини тамомлаган ёш ижрочилар билан бойиб бормоқда. Келажак авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашда тарихий шахслар, миллий қаҳрамонларнинг жўшқин, ибратомуз

ҳаёти акс эттирилган саҳна асарлари муҳим аҳамиятга эга. Айтайлик, миллий эпосимиз "Ал-помин" ёки ҳазрат Навоийнинг "Ҳамса"си асосида спектакллар саҳналаштириш мумкин.

Ҳар бир театр жамоасининг ижодий юксалишида гастрол сафарлари муҳим ўрин тутди. Театримиз йил давомида Бухоро, Самарқанд, Наманган, Навоий вилоятлари бўйлаб сафарда бўлди. Вилоят саҳналарида қизиқарли спектакллар намойиш этилиб, томошабинлар билан маданий-маърифий учрашувлар ўтказилди. Йил охирида Андижон вилоятига гастрол сафари уюштириш режалаштирилган. Жамоамиз октябр ойида бўлаётган "Theatre.Uz" халқаро фестивалига тайёргарликни ҳозирдан бошлаб юборган. Фестивалда "Сеҳрли дур" спектаклини кўрсатишни режалаштирганмиз.

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ

Бошланчи биринчи саҳифада.

Бу жараён тарихнинг инсон фарзандлари учун гоят сабокли даврларига тўғри келгани боис, мана бугун, орадан йиллар ўтиб, Устюртнинг шўро давридаги кеҗаги ва истиқлол замонидаги бугунги манзараларига қиёсан назар ташлаш имконига эгамиз. Аввало, денгизнинг қуриши мустамлакачилик сиёсатининг асл мудоаиси бўлганини эслаб ўтайлик-да, ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларида Устюрт бағридан топилган конларнинг гази Бухоронинг Газлисидан тортилган улкан қувурлар орқали келаётган ёнилги билан бирга собиқ иттифоқ марказига узатилганини кўз олдимизга келтирайлик. Ўшанда халқимиз ўз ўчоғига гўзапоёғкиб, газини эса "улуғ оға"га ҳаёда этаётганидан алам чеккан, виждони галаён қилган атоқли шоиримиз:

Қандай баён қилай фикримни ахир,
Мана, олиб келдик ўтимизни ҳам, —

дея ўртаниб, маҳзун мисралар битгани бежиз эмасди.

Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот ва Қозғистоннинг Бейнов шаҳарларини болаган темир йўл ҳам мана шу гази собиқ иттифоқ маркази ҳудудларига муттасил бориб туришини таъминлаш мақсадида қурилган эди. Бир-биридан олис жойлашган бекатлардаги юқори босим билан газ ҳайдовчи улкан компрессор станцияларига шу темир йўл орқали хизмат кўрсатиларди.

Муस्ताқиллик халқимизни қарамлик, ўзгаларга тобеликдан қутқаргани боис олтин, газ, пахта, мева-чева каби миллий бойликларни хомашё тарзида арзон-гаровга сотишдан ҳам халос этди. Энди Устюрт бойликлари йирик қимматли мажмуаларида металл ўрнини босадиган қимматбаҳо маҳсулотларга айланади. Бундай ноёб қорхоналарнинг дастлабкиси Қарши чўлида — Шўртан конлари ҳудудига қурилиб, жаҳон бозорига хариддорларга маҳсулот ишлаб чиқараётганидан кўпчилигининг хабари бор. Энди шундай мажмуаларнинг энг йириги ва мукамали Устюртда барпо этилаётир. Ижодий сафаримиз боиси бўлган мажмуа иншоот қурилишига Ўзбекистон ва Корея Республикалари Президентлари томонидан асос солинган.

Эрта тонгда Нукус — Қўнғирот автотрассасидан Оқчалоқ томон олиб борарканмиз, йўлнинг ҳар икки тарафига қип-қизил бўлиб гуллаб, чўғдек поёндозга айланган юлғунлар эътиборни тортарди. Қорақалпоқлар юлғунни жингил деб аташаркан. Гарчи, табиятда ҳазонлар мавсимини энди бошланаётган бўлса ҳам йўл чеккаларидаги бу табиий бутазорлар қийғос гулга кирган. Алвон-алвон юлғунзорлар ҳавони ўзига хос тансиқ ифор билан бойитган. Уларнинг қирмини тусда ажиб гуллаши ўн бир йил бурун уч-тўрт ижодкор дўстимиз билан Устюртга илк бор сафар қилган кунларимизни баногоҳ ёдга туширди. Ўшанда ҳам мезон фасли эди. Юлғунларнинг хосияти ҳақидаги гурунгимиз бетакрор шоир Матназар Абдулаҳимнинг илҳомига илҳом қўшиб, машинада бораётгандаёқ, унинг ён дафтарида мана шу мисралар бамисоли алвон қўшиқдай бўлиб тўқилганди:

Дардан қайтарканман, институт йўлагига кекса киши бир даста китобларни ўтган-кетганларга таклиф этаётганига гувоҳ бўлдим. Секин ўша тарафга юрдим. Шу пайт беляга пешбанд таққан бир аёл отахоннинг олдида келиб: "Ҳаммасига қанча берай, арзонроқ қилин", деди.

Шунда отахон:
— Сиз китобларни нима учун сўраясиз, ўқийсизми? — деди.
Аёл:
— Сизга нима қизиғи бор, pista, курт ўрайман. Пулини берсам бўлдимми? — дея китобларга кўл чўзди.
— Й-ў-ў-қ, — деди, ҳалиги киши, мен сизга китоб сотмайман.
Аёл китобларни кучоклаганча узоқлашаётган отахонни кўриб кўрсатгани бармоғини чаккасига нуқтида. Ёнимдан ўтаётганда: "Бу чол китоб жиннини, китоблари уни ақлдан оздирган", деганини у киши яхшиям эшитмади. Мени бобога яқинлашдим:
— Китобларингизни кўрсам бўладими?
Отахон уларни менга тутқазди:
— Қизим, мана бу китобларни кўринг-а, мен бир пайтлар уларни битталаб йиққанман.
Отахоннинг қўлидаги китоблар таниқли ёзувчиларимиз Абдулла Қодирий, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Ўткир Хошимов, Тохир Малик, шунингдек, Ф.Достоевский, Л.Толстой, А.Чехов, Мопассан, Т.Драйзер, Шекспирнинг машҳур асарлари... Нарҳини сўрсам, арзиманган пулни айтиди.
— Бу китобларни бир пайтлар фарзандларим талашиб ўқиб, инс-

Устюрт узоқларда турар оқариб,
Ўнг тараф юлғунзор, юлғунзордир сўл.
Бефаҳм йўловчига бу ерлар гариб,
Юлғунлардан холи фақатгина йўл.

Юлғунзор баҳори кўзда бошланур,
Жим турар у баҳор, жим турар у ёс.
Юлғун тоқатидан кўзим ёшланур,
Августда гуллашга шайланар қийғос.

Оқ-оппоқ очилмоқ истару асли,
Мўстадил ва тиниқ мезон кунлари
Кўз очиб кўришар ҳазонлар фасли
Ва қизариб кетар юлғун гуллари...

Устюртнинг юксак даштрлари сари баландлаша борганимиз сайин номларини биров билиб, биров билмайдиган анвойи чечакзорлар уфқларга тутшиб жилвалана бошлаганидан ҳайратга тушганмиз. Шунда раҳматли шоир дўстимиз Матназар: "Ҳатто энг хунук тиканаклар ҳам гўзал гуллайди, — деганди. — Табиат бағрида шундай чечаклар борки, улар онасининг қорнидан сўз сўзлаб тушган Машраби Девонадек, тупроқдан тўғридан-тўғри гул бўлиб унадилар..."

Ҳали манзилгача йўл олис. Ҳамроҳларим — "Uz-Kor Gas Chemical" компанияси вакили Султон Аннақилчиев, таникли қорақалпоқ адаби Урозбой Абдурахмонов билан гурунгимиз қизигандан-қизийди. Весминстр университети қошидаги коллеж талабаси Темурбек ҳам биз билан Устюрт саёҳатида



Ҳамроқлик рамзи бўлган тошлавҳа.

Йўл олган. Султонбой "Умид" жамғармаси гранти асосида қорихида ўқиб, тил ўрганиб, малака ошириб қайтган иқтидорли ёшларимиздан экан. Унинг ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида раво сўзлаб, Ўзбекистон — Корея қўша қорхонаси буюртмаси асосида барпо этилаётган маҳаббатли иншоотнинг моҳиятини лўнда ва аниқ ифода этиб сўзлаши ҳайратимга ҳайрат қўшарди. Ҳали мажмуага етиб бормасимизданок, шуни мамнуният билан англаб етдимки, дунёда энг мукамал инвестиция лойиҳаси деб эътироф этилган бу улкан қорхонани фақат Жанубий Корея компаниялари мутахассислари эмас, ўзимизнинг Султонбой каби ҳар жиҳатдан етук, профессионал билими юксак истиқлол фарзандлари ҳам улар билан ёнма-ён туриб барпо этишмоқда экан.

Теп-текис йўл масофани қисқартириб, атрофдаги манзаралар алмашган сайин тасаввур хотирлар ҳам тез ўзгариб боради. Ўн бир йил аввал шу жойлардан ўтганимизда

мана бу трасса магистрал йўқ эди. Орадан икки-уч ой ўтиб қурилишига киришилган. Вази́рлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 август қарорига асосан Европа — Осиё трансконтинентал автомагистралнинг Қўнғиротдан Бейновгача бўлган 400 километрлик қисми қурилиши ўшанда мамлакат шимолидаги "Қорақалпоғистон" кўргонидан бошланганди. 2002 йилнинг декабр ойи бошларида шу муҳим воқеанинг гувоҳи бўлган эдик. Дастлаб ўттиз километрлик масофада қурилиши авж олдириб юборилган бу халқаро трасса бугун тўрт юз километр эмас, балки ундан икки-уч баробар кўпроқ масофани қамраб, юртимизнинг қадим шаҳарлари сари яқинлашиб бормоқда. Унинг Нукус ва Бейнов оралиғидаги қисми эса деярли битай деб қолибди. Йўлнинг айрим жойларида сўнгги ишлар давом эттирилмоқда.

УСТЮРТ ГУРУНГЛАРИ

Баранча мақола

Киройи йўл дегани мана бундоқ бўптида, дея кенг-мўл ва раво трассани барпо этиб, миллат ва мамлакат тараққиётини жадаллатган йўлсозларни мактаб келаётгандек, бирдан икки тарафимиздаги юлғунзорлар ўрнини шаҳармисол янги қишлоқлар манзараси эгаллаб олди. Янги йўллар ва манзилларга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган замонавий лойиҳадаги кўркам қишлоқ уйлари ҳайратингизни оширади. Замоннинг шиддати улғу келса, "эл эллик йил ўтиб ўзга бўлмас", ўн йилда ҳам уни таниш қийин бўлар экан. Шуларни ўйлаб, қадимий Қўнғирот шаҳрини ортда қолдириб ўтди. Олисдан оқариб кўринаётган Устюрт чўллари бизни ўз бағрига олди. Ярим соат юрар-юрмас ҳамроҳларим: "Қаранг-қаранг, Элободга келдик. Элобод! Бутун мамлакатга машҳур Қўнғирот сода заводи, Устюртдаги дастлабки йирик қорхона шу бўлади", деб қолишди. Автотрасса сода заводи ва Тошкент қимё-технология институтининг ушбу қорхонадаги сиртки факултети жойлашган, олди гулу гулзор, анвойи даракларга бурканган хушрўй иморатлари ёнидан ўтгани боис шаҳарчага завқланиб боққанча илгарилаб кетдик. Султонбой:

"Қайтишда, тўхтаб ўтдимиз. Биз бораётган "химкомплект"да ишлайдиган мутахассислар шу жойдаги факултетда таҳсил олади", деб қўйди.
Устюрт сари ичкарилаган сайин қуёш тик кўтарилиб, иссиқ тафтан чанқай бошлаганимизни сезамиз. Шу сабаб Султонбойнинг "Шубат ичасизларми?" деган таклифи мойдай ёқиб тушди. Ҳаммамиз баравар "Албатта, ичамиз", деб ўбордик. Ўнг томонида бизга гоҳ яқинлаб, гоҳ узоқлаб ёнма-ён келаётган темир йўл устига қурилаётган улкан кўприк тўсиналарини кифтига миндирган баҳайбат устунлар нигоҳимизни ўзига тарта бошладди.

— Бу акведук! Янги қорхона учун тикланмоқда, — деди Султонбой ундан кўз узмай.
— Сал юриб, биз ҳам темир йўлни кесиб ўтиб, ўннга буриламиз. У ёғи узоқ эмас.

Темир йўлдан ўтган, машинами тахтадан тикланган қандайдир иморат олдида тўхтади. Султонбой машинадан тушиб, иккита чоғ-

роқ идишда шубат олиб чиқди ва биз "Окчулок" темир йўл бекатида яқинроқ жойда янги қорхонани барпо этаётган қурувчи мутахассислар учун энгил конструкциялардан тикланган кўналгани узоқдан томоша қилганча қучкичар тарафга қараб кетдик. Ушбу муваққат турар жойлар қурилиши ўтган йил кўзда, асосий иншоот пойдеворини тиклаш эса шу йил кўкларда бошланган экан.

Икки-уч қақирим юрғач, кўз олдимизда турли техника, машина-механизмлар изидан тупроғи чиқиб ётган кенг сайхонликда мажмуанинг улкан қурилиш майдони намойён бўла бошлади. Дастлаб бир неча бетон заводларининг одатдаги манзарасига, сўнг эса турли ўлчамдаги арматуралар тартиб билан тахланган бинокорлик ашёларига кўзимиз тушди. Қурилишда контракт асосида иштирок этаётган ҳар бир ташкилот ўз бетон заводига эга экан. Боя темир йўл бекатидан

— Шўртанда энг тоза ёнилғилардан ташқари тайёр маҳсулот сифатида полиэтилен ишлаб чиқарилади. Бу қорхона эса йилга 4,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Полиэтилендан ҳар хил қувурлар, бинокорлик материаллари, турли анжомлар ишлаб чиқарилса, полипропилен унга нисбатан қаттиқ бўлгани учун машинасозлик соҳадаги эҳтиёж катта. Жаҳон бозорида ҳам қиммат туради...

Унинг саволларимизга бурро-бурро жавоб бериши, жилмайиб боқishi ўз ишидан мамнуслиги ва бахти тўқислигини шундоққина айта турибди. Мирас ёш оиласи билан Нукусда яшайди. Ўғли Дамир ва қизи Алмира, рафиқаси унинг қурилишдан вақт топиб келиб-кетишини ҳар сафар интиқлик билан қутишаркан.

— Мен ҳам болаларимни тез-тез соғинаман, — дейди у. — Мажмуанинг ўз шаҳарчаси битса, уларни ҳам олиб келмоқчиман.

Хорижлик мутахассислар билан қурилиш жараёнига доир масалаларни инглиз тилида эркин маслаҳатлашиб олаётган Мирас сингари ёшларга — замондош наслимизга қараб ҳавасинг ортади.

Набатдаги суҳбатдошимиз қурувчи-муҳандис Донхан Шин. Унинг айтишича, у ишлаётган "GS" муҳандислик-қурилиш корпорацияси саноят иншоотлари қурилиши бўйича 35 йиллик тажрибага эга экан. Таиланд, Вьетнам, Саудия Арабистони, Кувейт, Яқин Шарқ мамлакатларининг аксариятида, шунингдек, Жанубий Кореянинг ўзида бу компания барпо этган шу турдаги қорхоналар бунқсон ишлаши билан доврўқ қозонган. Ўзи эса уч йил аввал Конгук университети қурилиш муҳандислиги факултетини битириб, шу компанияда иш бошлаган. Устюртга келгунга қадар Корея ва Таиландда кемалар орқали ташвиладиган сууллирилган газ қабул қилувчи иншоотлар қурилишида иштирок этган.

— Ўзбекистонда мазкур лойиҳада иштирок этаётганимдан жуда мамнунман, — дейди у. — Дўст мамлакат тараққиётига ҳисса қўйиш кўнглига ифтихор бағишларкан.


Ўрозбой суҳбатимизга қўшилиб, Шиндан янги иншоотнинг экологик жиҳатдан нечоғли мукамаллиги ҳақида сўрайди.

— Биз халқаро стандартлар асосида ишлаймиз, шартномада белгиланган жиҳатлардан четга чиқмаймиз. Ҳар бир мутахассис ўз ишига талабчан, энг майда деталларга эътиборда тутатади. Шу боисдан мағрур ва ўз қадр-қимматини сақлай олади ҳам, — деди у қатъий қилиб. — Биз Кореяда ҳавода гувор қўплиги боис қўп-қўп кўнглини "юлдузларни" қўролмасдик. Устюрт осмони эса мусаффо экан. Мазза қилиб юлдузларни томоша қилиямиз. Ишончим комил, кейин ҳам шу мусаффолик сақланиб қолади!

Ўрозбой бу жавоблардан қаноатланиб қулимасиради. Сўнгра Шинга сездирмай кўзойнак остидан менга қўз қисди-да, унга: "Ошна, ёшим ўттиздан ошди, дейсан. Нега, ҳанузгача уйланмадинг?" деди. Мехмон ҳам ҳазилин тушундирганлардан эканими: "Ҳали мажмуа қурилишига Кореядан ёш-ёш қизлар ҳам келишади. Бирортасини кўз ости-

га оларман", дея жавоб берди. Ўрозбой бу жавобдан мамнун бўлганча қулочини кенг ёзиб, Шинни қучоқлаб олди ва "Тўйингга айтишни унутма, оғайни!" деб унинг елкасига қоқиб қўйди...

Мурод АБДУЛЛАЕВ



учун турли асарлар рўйхатини ёздирарди. Аввало, ўша китобнинг қаҳрамонлари, воқеалари ҳақида шундай таъсирли гапириб берадидики, сехрланганимиздан ўша асарни тезроқ топиб ўқишга ҳаракат қилардик. "Китоб — бу қудратли қурол. У бўлмаганида мен соқов ва дудуқ бўлиб қолар эдим... Китоб мутлоаси билан ўтган ҳаёт — ихлос билан пухта дарс тайёрлаш дегани эмас. Боло

кўнглингизга ўрнашиб қолади".
Яхши асарларнинг ана шундай мўъжизакор кучини ҳис қилган одамлар ораимизда жуда кўпчиликини ташкил қилса ажаб эмас. Баъзида катталардан китоб ўрнини компьютер эгаллаган, деган мулоҳазаларини ҳам эшитиб қоламиз. Менинг назаримда, китобга қизиқадиган одамлар ҳозир ҳам ўқиш билан банд, аммо қизиқмайдиганлар қатлами айни пайтда компьютернинг "муҳлис"ига айланган десак тўғрироқ бўлади.
— Менимча, болаларда китобга қизиқини уйғотиш учун, аввало, уларга боғча ёшидаёқ эртақ, ривожат, афсоналарни кўпроқ айтиб бериш керак, — дейди Жиззахлик адабиёт ўқитувчиси Ойхумор Иброҳимова.
— Мен ҳам болалигимда бувимдан, бобимдан, дадам ва онамдан эртақлар эшитиб улгайганман. Уйимизда кичкина кутубхонамиз бўларди. Ана шу кутубхона мутлоалага бўлган меҳринимизни оширган бўлса ажаб эмас. Талаба бўлган ўзим ҳам турли ёзувчиларнинг асарларини йиғардим. Ҳар стипендия олганимда, албатта, янги чиққан китоблардан сотиб олишни олдимга мақсад қилиб қўйдим. Ҳозир кутубхонамда бадиий адабиётлардан ташқари турли қомуслар, тибийётга оид қўлланмалар, тарихий китоблар бор.
— Болалигимдан китобга меҳрим бошқача бўлгани учунми маданият институтининг кутубхоначилик бўлимида ўқидим. — дейди Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона ходими Умида Тешабоева. — Иш жараёнида конференциялар ўтказамиз. Ўша конференцияларни ўтказиш учун Германияда, Петербургда, Бокуда бўлдим. Болага китобга меҳр уйғотишда, албатта, уй кутубхонасининг ўрни катталлигини чет элларда бўлган чоғимда ҳам ҳис қилдим. Баъзи хонадонларда чет тиллардаги адабиётларни кўриб, очиги, ҳавасим келди. Чунки чет тилида наشر қилинган китоблар хорж тилини ўрганишингизга, бошқа халқларнинг урф-одати, тарихини билишингизга катта ёрдам беради. Мутахассис сифатида шуни айтишим



мумкинки, уй кутубхонасини ташкил этганда унинг қўямати китоблар сони билан эмас, балки илмий ва бадиий қиммати, оила аъзоларнинг қизиқишларини қониқтириши билан белгиланади. Уй кутубхонасида ҳар хил қомуслар, турли соҳаларга оид қўлланмалар бўлиши керак. Шахсий кутубхона эгаларининг қизиқишлари турлича бўлиши мумкин: мамлакатлар тарихи, ажойиб кишилар ҳаёти, илмий фантастика, саёҳатлар тўғрисидаги китоблар, тарихий қисса ва романлар, поэзия, санъат қабилар. Бадиий адабиётлар таркибида қайта-қайта ўқиладиган ёки семвлики ёзувчилар танланган асарларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ. Бир марта ўқиладиган китобни оммавий кутубхоналардан олиб ўқиган маъқул...
Инсон тафаккурининг чинакам мўъжизаларидан бири бўлиш китоб ақлни қарҳайди, фикрни бойи-тади, маънавиятни юксалтиради. Китоб ўқиган кишининг эътиқоди мустаҳкам, дунёқараши кенгайиб боради. Инсон қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, одамларнинг меҳр-оқибат туйғуларини камол топтиришининг энг яхши воситаси ҳам қўп мутлола қилишдир. Зеро, доғишмадан айтганда, «Қанчаллик кўп ўқисангиз китоблар сизни ҳаётга шунчалик яқинлаштиради, турмуш янада мунаввар, маънолироқ туюла боради».

Ризвоной НИЗОМОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

“Китоб дунёси” газетасининг шу йил 24 июл сонига “Бир шеър тарихи” рўқнда атоқли шоир Абдулла Ориповнинг “Юртим шамоли” шеърининг ёзувчи Носир Фозилов архивида сақланиб қолган асл матни эълон қилинди.

1969 йили ёзилган ушбу шеърнинг дастлабки нусхасидаги ҳар олтиликнинг охириги мисрасида такрорланиб келадиган “О, ўзбек шамоли, ўзбек шамоли” “О, юртим шамоли, юртим шамоли”га, яна бир ўринда “Кўқон” “Хисор”га алмаштирилган экан. Бир қарашда бу муҳим ўзгаришдек туюлмаслиги мумкин. Аслида-чи? Биргина сўз алмаштирилиши билан бутун шеърнинг маъноси, шоирнинг нияти, шеърхонга етказмоқчи бўлган фикр ўзгариб кетган. Шеърнинг ўзгартирилган вариантда шоир туғилган юртига меҳр-муҳаббатини, соғинчини изҳор қилгандек, унинг дийдоридан хурсандлигини баён этаётгандек таассурот ҳосил бўлади. Аслида эса “Юртим шамоли” матни замирида жуда теран маъно-мазмун мужассам экан. Зотан, шамол образи шеърда ўзбек, Ўзбекистон тимсоли, унинг маъжудлиги, борлиққа, дунёга кўз қарashi, маъсад-муддаоси сифатида талқин этилган экан. Шоир орзу қилади: агар бир кун келиб ўзбекистон шамоли эркин эсса, яъни Ўзбекистон озод бўлса, оламни мовий нафас, учқур кўшиқларга тўлдирди, унинг шаъни, шавкати тилларда дoston бўлади.

Шеърдаги машҳур ибора — “Кўқон шамоли” қўлланилганда тасаввуримизда бутун бир жўғрофий қўлам, Ўзбекистон кўз олдимизда давдаланади. “Хисор шамоли” дейилганда эса ана шу қўлам тараяди, муайян бир худудни тушуниш мумкин. Дарвоқе, шеърнинг асл ҳолида босилишига монелик қилганлар, шубҳасиз, ўз муддаоларига эришган. Назаримизда, “Юртим шамоли” бундай кейин “Китоб дунёси” газетасида эълон қилинган матндек “Ўзбек шамоли” тарзида қабул қилиниши, кейинги нашрларга асл ҳолида киририлиши лозим. Зеро, бу шеър истиқлолни, ҳурриятни орзу қилган, унга интилган; унинг барқарор бўлишига ишонган қалб тугўни.

Кейинги вақтларда айрим мунаққидларнинг мақолаларида истиқлолни куйлаган, уни орзу қилган, шеър дostonларига мустақиллик госяини кўтариб чиққан шоирлар рўйхати тобора кенгайиб бораётгандек. Бу “Ёв қочса, ботир кўпар”, деган маконли эслатади. Ҳар нарсани ўз номи билан атаган маъқул, албатта. Чўлпондан кейин ўша мустақил даврларда истиқлолни ҳам очик, ҳам имо-ишора билан баралла илгарти сурган, тарғиб қилган, миллий ўзлигини англашни бошлаб берган, бу борада мактаб яратган, ўздан кейинги шоирлар авлодига жуда катта таъсир кўрсатган шоир Абдулла Ориповдир.

Бу фикримизга далил сифатида “Манзара” (1964) шеърига диққат қилайлик:

Булут тошди,
Водий осмонин
Қоплаб олди хира қўланка.
Ел овора,
Намхуш хазонини
Учиролмай боддан йўлакка.

Коинот мукамал — унда ҳар бир нарса-ҳодисанинг ўз ўрни бор. Улар барчаси муайян низомага бўйсунлади, белгиланган тартиб асосида ҳаракат қилади. Яралмишлар ичида бу мувоzanатни бузиши мумкин бўлгани эса ёлғиз инсондир. Ана шу ҳолнинг сабаби, неча асрдирки, фикр эгаларини ўйлантириб келади. Бу муаммо ҳақон адабиётда не-не шоҳ асарларнинг дунёга келишига сабаб бўлмаган дейсиз. Таниқли шоир

Бу ерда “ўрин” — маъқе маъносида келган. Яъни инсоннинг яшаш тарзи унинг асл маъқега мутаносиб эмас, демокчи шоир. Сабаби, одам болалари: “Ўзи ясаган нарсасига қул, ўзин яратгани эсдан чиқарган”. Шу кезде яна бир мулоҳазани айтиш жоиз ўрини: дoston номи ҳам ана шу моҳиятдан келиб чиқиб танланган — бу оламда ҳар бир нарса-ҳодисанинг ўрни тайин; лекин яралмишлар афзали — инсон ўз ўрнини, мақомини билладими?

СИРЛИ ТУЙҒУЛАР ТАДҚИНИ

Икром Отамуроднинг “Урин” дostonи (“Шарқ юдузи”, 2013 йил 3-сон) ана шу мавзунинг оҳорли поэтик талқини билан алоҳида ажралиб туради.

Дostonнинг асосий ютуғи, биринчи навбатда, таъсирнинг қабириқлиги ва образ эҳтирофига намоён бўлган. “Куннинг бор борлиғидан воқиф” кўшнинг “Ботинга ҳарорат туморин боғлаб, зоҳирга нақшлар нақш турларин” тарзида васф этилиши; тунинг чирогига менгзалган ой “зулматни чегириб, филогин неларгадир қолдириб, фалакда сузиб, чўмиб бораётгани” тасвири дostonда моҳият ва поэтик тасвир нечоғли уйғунлашгани далилдир. Бундай образли тасвир ўқувчи кўз ўнгига ёркин манзара ҳосил қилади, руҳиятини сирли туйғуларга чулғайди, шуурларга нур бағишлайди.

Коинот мукамал, бироқ унинг гултожи бўлиши қўтилган инсон ноқомил — муаллифининг дoston моҳиятига сингдирган бадий концепцияси ана шу. Асардаги поэтик умумлашмага кўра, инсон синовода эканини унутган: ҳамма нарсга ишқибоз, ҳаётдан ҳамма нарсани истади; учқур эгарлардан ўрин олиб, асло отдан тушири келмайди. Шу боис, тасавфуши, у: ...айланади мешини малайига — хор.

Қулфланган дилида тарихча ўрин иқтисоби йўқдир, бори, фаҳат, зор.

Ҳаёт тарзи шунга муносибми?.. Ваҳоланки, шоир айтмоқчи, инсон муттасил синова:

Одамни имтиҳон айлайди ўзи,
Кўйиб бирдэй майлин ихтиёрига:
Қаергача йўртлар,
Йўлларин чўзиб,
Қачонгача чўмар хўбоб қорига?

Дostonда тил ва дил, зоҳир ва ботин номутаносиблиги одам фарзандларининг йўлдан адашувиға, уларнинг хос маъқеи — ўрnidан тубанлашувиға сабаб бўлиши бадий умумлашмага даражасида тасвирланган. Асар мутлоаси ўқувчида “дилини мавжудлигин йўқотган”, “фаҳмидан айро, дилидан айро” кимсаларга нисбатан ачиниш ҳиссини пайдо қилади.

Нафс ва фаҳм — асарда ана шу икки ҳодиса зиддияти тасвирига алоҳида урғу берилган. Нафс инсонни адаштириб ўз тушовига солса, фаҳмга таянган, уни мувозий қилиб йўллаган киши ўзини, ўзлигини йўқотмайди — ана шу поэтик хулоса дostonнинг ўқ чизигини ташкил этади.

Одам нафс омбори бўлмайин, асло, қани эди бўлса, фаҳм чирогига.

Дostonнинг ифода усули, муаллиф усулибу шу пайтгача биз ўқиган бирор асарни такрорламади — ўзига хос. Асарда ортиқча, таҳрирталаб сўз учра-

Кимдир эзгулик деб тинмайди, бироқ Кимдир ханжар билан йўлини пойлор. Ҳаётнинг мана бу йўрнинг боқ: Ёвуз ҳам ёвузини ҳимоят айлар. “Апокалипсис” шеърда ёнғин, зилзила, вулқон каби табиий офатларга юзма-юз келганда бандасининг чорасизлиги, “на боши, на адоғи бор поёнсиз очун”да бундай ҳодисалар такрор-такрор содир бўлаётгани таъкидланади. Бироқ шеърда бу ҳақиқатлар шунчаки қайд этилмайди, шоир қўтилмаган аччиқ, аламли поэтик хулосага келади: Аммо юракларда бордир бир алам, У боис тугамас ташвишлар, гаплар. Замин талвасаси босилганда ҳам Бир-бирин тинч қўймас, афсус, одамлар. Табиат ҳодисалари инсон иродасига бўйсунмайди, қўтилмаганда рўй беради,

муаммо ҳеч бир диёнатли инсон қалбини безовта қилмай қўймайди. “Европа” шеърда ўқиймиз: Бор эди муҳаббат аталмиш кўрғон, Учиб қиролмасди чиван ҳам ҳатто. Совғасини Ягонинг қўлида кўрган, Бўғиб кўя қолган жуфттин Отелло. Энди бу юртларда дунё тескари, Муҳаббат ҳислари бадар кетганлар. Жаннатни маҳз этиб юрганлар бари Жаҳаннам қонига бориб етганлар... Теран фалсафийлик, шарқона донишмандликка йўғрилган, мураккаб олам бўлмиш инсон руҳиятининг сир-синоатлари шоирнинг воқеабанд, ёйиқ ифода шаклида ёзилган янги “Ранглар ва оҳанглар” туркумидаги шеърларнинг ҳам етакчи мавзусидир. Маз-

ган образли жавобдек янграйди. Шоирнинг кейинги бир йил мобайнида ёзган ўн бешта газали мавзу доираси кенг: уларда оддий шеърга сизмаган ҳис-туйғулар мумтоз жанрнинг муслиқ оҳанглирида жозибали ифодасини топган. Она-юрт — жонажон Ўзбекистон Абдулла Орипов энг баланд мақомларда қаламга оладиган мавзудир. Истиқлол арафасида

XXI аср ўзбек адабиёти

ҳамда мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳаётда айнан юз берган, шоир ўзи гувоҳ бўлган тарихий жараёнлар таъсирида ёзилган “Истиқлол манзаралари” дostonининг “Тоғлар ҳикояси”, “Ўзбек иши”, “Мурунтов”, “Элобод”, “Қамчиқ довоғи”, “Имом Бухорий”, “Женева” деб номланган қисмларида қаламга олинган лавҳалар орқали мамлакатимиз ва халқимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида юз берган ўзгаришлар бадий талқин қилинади. Дoston воқеабандлик усулида ёзилган бўлсада баёнчиликдан мултоқо холи, истиқлолнинг йигирма йилли шаънига битилган бадий солномадек таассурот қолдиради.

Дostonдан шу таҳлиф Гўлиб ўтган қарвон бу. Илгирма йил эл юкни Олиб ўтган қарвон бу. Дostonдаги Ботир ва Фотиҳ ўртасидаги баҳс-мунозара замирида очиладиган ҳақиқатлар, мустақилликнинг қадам-бақадам мустаҳкамланиб бориши бадий лавҳаларда тасвирланган. Дoston образли топилдиқларга, ёмби фикрларга, мавзунинг моҳиятини очиб беришга хизмат қилган ўзига хос ўхшатиш ва сифатлашларга бой. Асарда мустақилликнинг нечоғли машаққатлар эвазига қўлга киритилгани, бу йўлда олиб борилган тенгсиз курашлар таъсирчан талқини тоналгани, бу хусусиятларига кўра ушбу дoston ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўзига хос бадий қўлланма вазифасини ўтай олади.

Атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг кейинги йиллардаги ижод намуналарини кўзатганда поэтик-фалсафий мушоҳада, инсон кечинмалари тасвиридаги ҳаётийлик янада кучайганига гувоҳ бўламиз. Айни чоғда ўқувчи қалбига ақс-садо берадиган ҳис-туйғуга бой мисралар гарчи олдинги йилларда битилган шеърларидан бирмунча вазмин ва мулоҳазалироқдек туюлса-да ҳамон жозибали, сеҳрли. Уларда ҳаёт мураккабликлари, инсон қалбидидаги эвришлар, иккиланишлар, икромлар, хайратлар, ўтмишга айланган хотиралар юки, ёруғ кунлар шукронаси, армоннинг ранглари ва оҳанглари ўзининг гоят жозибали талқини тоналган.

Дониёр БЕГИМКУЛОВ

РУҲИЯТ РАНГЛАРИ ВА ОҲАНГЛАРИ



улardan қочиб қўтилиш мушқул. Бироқ ўз қалб соғлигини, инсонийлигини сақлаб қолиш кишининг иродаси, иймониға боғлиқ. “Озон қатлами” шеърда бу гоё теран очиб берилган. Ерни ҳарир пардадек ўраб турган озон аталмиш қатлам сайёраимизни ўткир зарарли нурлардан асраб туради. Худди шунингдек ҳаётда инсофу диёнат барқарорлигини асраш учун ҳар бир инсоннинг ўз “озон қатлами” бўлмоғи зарурки, токи бу қатлам инсонни ноқисликлардан сақласин, қалбида ёвузликка жой бўшамасин. Шоирнинг безовталиги, оғоҳликка даъватининг боиси ҳам шунда:


Йаънисан гоҳ шоду, гоҳ дилда қалар,
Узингни эрур қувончинг, гаминг.
Лекин оғоҳ бўлгин доим, биродар,
Бутун турбимини озон қатламинг!

Ҳозирги глобаллашув, тезкор ахборотлар оқимининг ижобий жиҳатлари билан бирга маънавиятга етказётган зиёни бугун ҳеч қимга сир эмас. Боз устига Европадаги айрим давлатларда бир жинсдағилар никоҳига рухсат берилмоқдаки, умумбашарий бу

кур туркумга кирган илк шеърда бугунги кунда ижодкорнинг бурчи нималардан иборат эканлиғига урғу берилади. Зеро, хилқатдаги ранглар ва оҳанглар турфа, бир-бирига асло ўхшамайди: Бир қарашда улар ҳамоҳанг, ўхшаш, Бироқ сен, ижодга азм этган шоир, Уларни адашмай фарқламоғинг шарт!

Сенинг кўларингга кўринсин улар,
Сенинг қулониғига чалинсин улар,
Барчаси ранго-ранг, сасларга турфа...

Билиб қўй, ранги бор армонинг ҳатто, Орзуларнинг ажиб шамойиллари,
Инсон қанча бўлса, улар ҳам шунча. Туркумга жамланган ўн бешта шеърнинг ҳар бирини қайта-қайта ўқиб мисралар қаттидаги фикр дурларини англаб шоирнинг поэтик мушоҳадаси нақадар қўламли, салмоқли эканлиғига икром бўламиз. Мухтасар сюжетга қурилган, ёркин таассурот қолдирадиган бу шеърлардаги ҳаётий деталлардан муҳим поэтик хулосалар чиқарилади. Бу жиҳатдан “Уй-ғуналик”, “Тафаккур”, “Миллат”, “Қадр”, “Этиқод”, “Тарих” каби шеърлар характерлидир. Уларда илдизи бир — бугунги умуминсоний муаммолар, Ватан, миллат равнақиға даъваткор қалб товланишлари ўз ақсини тоналган. “Шеърят нима ўзи? Унинг ёзиб қўйилган қоида амаллари борми? Нима у? Миллионларни оёққа турғиза оладиган, минбарларни ларзага соладиган даъваткор хитобми? Нима у? Гоҳида теран фикри билан, гоҳида аччиқ сатираси билан, гоҳида мунгли миломати билан тингланган қалбини, имтиҳон қилувчи зўр кучми? Нима у? Фалакка чорасиз илтижомни ёки муҳаббат чаманига сочилган дурдек кўз ёшларими?”, дея саволни қўяди шоир бир мақоласида. Туркумга кирган фалсафий теран ва бадий нафосати юксак шеърлар мана шу хитобли саволларга берил-



Дониёр БЕГИМКУЛОВ

ЧўЛПОН. “АСАРЛАР”

Чўлпон — кўп асрлик ўзбек адабиёти тараққийига улкан ҳисса қўшган улғу адибларимиздан. У қисқа умр кўрганга қарамай, адабиёт ва санъатнинг турли соҳаларида самарали ижод қилиб, катта адабий мерос қолдирди. Шу мерос орасида битта роман, битта қисса, йигирмадан зиёд ҳикоя ва очерк, уч юздан кўп шеър, бир неча драма, олтмишдан ортиқ публицистик ва адабий-танқидий мақолалар бор. Шунингдек, Чўлпон У.Шекспир, А.Пушкин, К.Гоголь, И.Тургенев, И.Франко, А.Чехов, Л.Андреев, М.Горький, А.Серафимович, Р.Тагор, А.Лохутий сингари шоир ва ёзувчиларнинг машҳур асарларини таржима қилган.

“Академнашр” нашриёти Чўлпон асарларининг тўрт жилддан иборат тўлиқ нашрини амалга ошира бошлагани эътиборга молик ҳодисадир. Ҳозирча таниқли адибнинг турли жанрлардаги асарларининг икки жилди чоп этилди. Биринчи жилдга ижодкорнинг шеърлари, мансуралари, шеърӣ хатлари жамланган бўлса, иккинчи жилдга “Кеча ва кундуз” романининг биринчи китоби “Кеча” асарлари, “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтур Муҳаммадиёр”, “Ойдин кечалар”, “Қор қўйнида лола” сингари жами ўнтача ҳикояси киритилган.


Нашриёт томонидан берилган изохда ёзилишича, китобларда асарнинг илк нашридаги тил хусусиятлари, имло ва пунктуация қоидалари, асосан, аслича қолдирилган, айрим ўринлардагина ҳозирги қоидаларга мослаштирилган. Чўлпон “Асарлар”и биринчи жилдини профессор Н.Каримов тўплаб нашрга тайёрлаган. Иккинчи жилд тўпловчиси ва изохлар муаллифи Д.Курунов.

Тўрт жилдлик “Асарлар”нинг биринчи жилдида ёзилган сўзбошида адабиётшунос олим Н.Каримов таъкидлаганидек, “Чўлпондек улғу ижодкорлар хотирасини ардоқлаб, улар яратган дурдоналардаги руҳий ва маънавий гўзаллик ҳамда бадий латофатдан баҳраманд бўлиш авлодларнинг шарафли бурчидир”. “Академнашр” нашриётида чоп этилган Чўлпон асарлари тўрт жилдликнинг биринчи ва иккинчи жилдларига Абдулла Шаропов муҳаррирлик қилган.

майди. Ифода — мухтасар, ҳар бир сўз замирига юкланган маъно қуввати муаллиф бадий ниятиға маҳорат билан хизмат қилдирилган. Дoston аввалида келган ...Нимадир... ...Қачондир... ...Кимдир... сўзлар асардаги сирли руҳнинг поэтик талқинида ўзига хос маъқега эга. Шу боис дoston айна сўзлар билан хотима топади. Бу эса, асарда уларнинг оддий

сўзлар эмас, поэтик унсур даражасига қўтарилганидан дарак беради. ...Нимадир... — дostonда, таъбир жоиз бўлса, инсонни ҳақ йўлдан қалғитувчи, унинг нафсига гулгула солувчи ашёлару тушунчаларнинг умумлашмага образи. “Наҳр навосинда гангиб, довдираб, не-не мулошуш бурлишлардан илинжларин йўғралашиб, ҳовлиқиб, шошар бозорларга хилма-хил нимадир...” сингари мисралар ушбу фикрни тасдиқлайди. Жамиятда муносиб ўрниға эга бўлиши учун инсон ана шу “нимадир”нинг қомига тушмаслиғи, унга ҳирс қўймаслиғи зарур. Бунинг учун эса, у фаҳмини, ақл-фаросатини ишга солиши керак — ана шу сингари теран мазмуннинг назмий талқиниға бағишланган ушбу дoston.

...Қачондир... — бу поэтик унсурда дoston моҳиятиға сингдирилган ҳақиқатларнинг замон билан чегараланмаслиғи ифодаланган. Бинобарин, нафс ва фаҳм, зоҳир ва ботин ўртасидаги кураш одам боласи яшайдиган барча даврларда ҳам долзарб бўлган ва шундай бўлиб қолади. ...Кимдир... — бу бадий умумлашмага асардаги образли тасвирнинг, ким бўлишидан (ҳатто миллати, ирқи, диний мансублиғидан) қатъи назар, одам болаларининг барчасига бирдай тегишли эканини ифодалаши жиҳатидан алоҳида аҳамиятға эга. ...Қизик: зоҳирин яйратар, ботинин ийратар, кимдир... Ботинин унутиб, асосий эътиборни зоҳирға қаратиш — XXI аср одамини боши берк кўчаға олиб кирди. Инсон



Нурбой ЖАББОРОВ, филология фанлари доктори, профессор

зиммасидаги асосий вазифа — қомилликка интилиш заруратини бир қадар эсдан чиқарди. Ўз ихтиросининг қулиға айлиниб, жаҳонни маҳз этиш илинжида ўзини ўтга-чўққа ура бошлади. Ўзгаларнинг тинчилиғиға, осойишталиғиға раҳна солиш, бошқаларнинг бойлиғиға, мол-дунёсига кўз олайтириш унинг аъмолиға айланди. Ваҳоланки, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз қарийб олти аср наридан туриб, инсониятни: Одам ўлгон зеби зоҳирдин демас, Кимки ондин фаҳр этар, одам эмас — дея оғоҳлантирганини ёдға олайлик. Бундай барҳаёт гояларнинг бадий талқини бугун ҳам муносиб давом эттириляётгани ҳар бир адабиёт муҳлисини, шеърят муҳибини қувонтиради.

Бироқ асарда қўлланган “миқариб”, “жимжимиди”, “дўғур”, “йўғур”, “совидан” сингари сўзлар ўқувчи учун бироз тушунарсиз. Уларнинг изохини луғатларда ҳам учратмадик. Табиийки, бу ҳол дoston мулоасидан завқ туютган ўқувчиға андак малол келади. Шевадан адабий тилға сўзларни олиб кириш шоиру адибларимизнинг бурчларидан бири. Адабий тил асосан шу орқали бойийди. Фаҳат уларға изох берилса, ўқувчи шууриға тезроқ сингар эди.

Бундан ташқари, мана бу мисраларда таҳрирға эҳтиёж бордек: Нимадир, қачондир муҳрлиниб дардлардай, мурувватин тугтиб, дилин қўлайди(?).

Бироқ бу каби жузъий нуқсонлар асарнинг юқори бадий-эстетик қимматини пасайтирмайди. Улар энгил таҳрир билан тузатилиши мумкин. Зеро, замонавий ўзбек дostonчилиғида ижодий изланиш, янгилаш жараёнлари кечмоқда. Бу жанрнинг ҳажман ихчамлашиб, моҳиятан теранлашиб бораётгани ҳам давр тақозосидир. Нуктадан муаллифини ва синчков ўқувчини ана шу хусусиятларни ўзида мужассам этган янги асар — сирли туйғулар дostonи билан муборакбод этишға бурчликимиз.

Туроб НИЁЗ

Кўнглимда муҳаббат сеҳри



Ойланг тинч бўлса

Ойланг тинч бўлса, кўнгли хотиржам, ўзининг қушлардай енгил сезасан. Маълум бўлган каби чекинади ғам, Умрининг бахт, шодлик билан безайсан.

Меҳрга кўнглиб яшайсан доим, Ёлғизлик азобин билмай ўтасан. Келажакка ишонч бўлар ҳамроҳинг, Тўсиқларни писанд қилмай ўтасан.

Ғаллаорол шамоли

Тонг отиб очилади қишлоқнинг жамоли, Ўша онда бошланар Ғаллаорол шамоли.

Бир зум бўлсин тинмайди унинг "тир-тир" овози, Кўёш ботди дегунча тақда тўхтар парвози.

Мен уни соғинаман шаҳарда юрган чоғлар, Кўз олдимга келади кўкни кўтарган тоғлар.

Аргумоқдай югуриб юргандай туюлади, Мен борсам чопиб келар — нақадар суюнади.

Бағрига олар мени энг яқин одам каби, Соқларини сийлайди меҳрибон онам каби.

ГУМОН

Мен сени илк бора кўриб турибман, Ичингда нима бор — билмасман ҳали. Шундан гумонларга бориб юрибман, Сенга ишонмоқнинг келмади гали.

Азизам, сен мендан қилмагин гина, Ишониб қуйганман ўтда неча бор. Баъзиларни кўрдим, ишонган дўшман, Асл башарасин этгайлар ошкор.

МАНЗАРА

Тоғлар — узун қарвон, чиқмас бир сало, Йўлда давом этар қатор, тизилди. Аммо қаерданлар сой бўлди пайдо, Қарвон тенг ярмидан қолди узилди.

Тўртликлар

Парижни кўрмадим — бу армон эмас, Бадавлат бўлмади — бу армон эмас. Бахтлиман, ватаним, бағрингда яшаб, Меҳрингга қонмадим — бу ёлгон эмас.

Ватаним севмаган ҳеч қимни севмас, Ҳеч нимани азиз, муқаддас демас. Ушай одам борми, йўқми, билмадим, Мабодо бор бўлса, у одам эмас.

Биринчи ҳофиздир, албатта, она, Олам долдир алла айтганда она. Ҳаёт ўзи нима? Нималар ватан? Уларни ҳам бизга аниқлатган она.

Муҳаббатда бор ростдан сеҳр, Юракларни қўяр сеҳрлаб. Агар шундай бўлмаса ахир, Бўйсинмасди унга қайсар қалб.

Баъзида ўзимга етмайди кучим, Ожизликдан ёнар вужудим, ичим. Ўзини енгилган чинакам марддир, Шундай инсон бўлиш муқаддас бурчим.

Содиқ дўстни қандай топмоқ кераклир, Одамларга қандай ёқмоқ кераклир? Ушбу саволларга жавобим битта: Одамга одамдай боқмоқ кераклир.

Гоҳо олов, гоҳо намдир кўзимда, Гоҳо шодлик, гоҳо ғамдир кўзимда. Кўзларимга боқиб бўлмагил ҳайрон, Юрак тугўллари жамдир кўзимда.

Ортдан қувғандим, бахт тура қочди, Ҳаёт ҳам аямая захрини сочди. Қўлни силтаб, ўзи меҳнатта урдим, Бахтининг ўзи келиб, бағрини очди.

Адабий танқидчилик адабиёт ривожининг, босиб ўтган йўлининг тарихи, бугунги ва истибқолининг ўзига хос соломасидир. Танқид сараламоқдир, деган нуқтан назаридан келиб чиқадиган бўлиса, адабий танқиднинг жараёндаги ўлчамларини янада теранроқ англаймиз.

Адиб, таржимон, мунаққид Иброҳим Фафуров билан кўйидаги мулоқоти- миз бугунги кун адабий воқеалиги, таржимачилик, замон ва адабий жараён каби мавзуларга бағишланди.

— Адабий жараёндан, умуман, адаби- ётимизнинг бугунги аҳволидан кўнглингиз тўладими?

— Келинг, масалани сиз ўйлагандан ҳам жиддийроқ қилиб кўрайлик. Ҳаётдан кўнгли тўлган одам бормикин ўзи? Одам боласи бугуним кечаги кунимдан, эртанги куним бугунимдан яхши бўлсин, дея яшар экан унинг орзу-умидлари асло ниҳоя билмайди. Бу адабиётга ҳам, ижодий жараёнга ҳам таллуқли. Демокриманки, кўнгли тўлиши — бу бахт, бироқ тўлиқ бахт бор деб ўйлайсизми? Дунёда тўлиқ бахт бўлмаганидек, тўлиқ қаноат ҳам йўқ. Ҳаммавақт, ҳар қандай шароитда ишни, нафасни яхшилаш, кўтариш, янгилаш, ўзгартириш имкони мавжуд. Ҳар қандай қаноат ортидан қаноатсизлик келади. Дунё ҳаёти қарама-қаршиликлар асосига қурилган: муҳаббат тағида қайғу-ҳасрат, висол остида айрилиқ, чексиз бойлик тағида қашшоқлик ва қандайдир риё, қаноат ичида ўта қаноатсизлик бўлади, бундай зиддиятчи ҳодисаларни яна чексиз давом эттириш мумкин. Адабиёт шундай зиддиятлар ичида яшайди.

Мана қаранг, Ҳомернинг "Илиада" ва "Одиссея" (асар номи "Одиссейнома" деб аташ ўринлироқ эди-я.) достонлари ўзбек тилига атоқли таржимон Қодир Мирмуҳамедов томонидан таржима қилиниб нашр этилди. Бу таржиманинг тили ва танланган ода- тий усули адабиётлар отасининг тили ва улугвор усулига тўла ҳамоҳанг ва воқеалар ичига шиддат билан олиб кириб кетади. Биринчи марта бу инсоният ҳаёти, тамаддуни, психик интилишларининг ибтидоиси, бешиги бўлган асарларни кудратли ўзбек тилида тўлиқ ўқиямиз. Уларнинг бадиий хазиналарини таржимон тўлиқ сақлаганидан миннатдор бўлаёلمиз. Ҳомерни чуқур билмай, уни севмай, унга мурид тушмай туриб адабиёт, адабиётнинг вақили ўсиши мумкинми? Ойбек бу асарлардан илк бора хрестоматик парчаларни ўзбек тилига кўчириб, унинг битмас-туганмас шуқуҳи, ҳаётбахшлигидан баҳраманд бўлиб, "Қутлуг қон", "Навоий"ни ёзиш даражасига ўсиб чиққан эди. Данте, Вергилий, Милтон, Шекспир, Ҳёте бу асарлар пойқадамида буюклик мақомини толган эди. Ҳомер!.. Чексиз океан! Жойсининг "Улисс"и ҳам шу вағир-лаб, ёрни чайқаб, осмонларга булутларини ўфуриб турган океандаги яна бир мислсиз, заволсиз тирик кема. Шарқ адаб шайхларимизнинг даҳо "Хамса"лари ҳам Ҳомер достонларига боғлиниб кетади, уларга издошлик қилади. Эро, инсоният узилмас ва доимо янгилиниб борувчи ананалари билан гўзал!

Эки мана, ҳассос шоир, тиллар билимдо- ни Жамол Камол Аттор, Румий, Шекспир асарларини аслиятларидан ўзбек тилида қайта яратди. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Хожиёва, Усмон Азим, Сирожиддин Сайиди, Иқбол Мирзо, Азим Суён, Саъдулла Ҳаким, Хосият Рустамова, Ҳалима Аҳмедова, Маҳмуд Тоир, Ибодат Ражабова, Баҳром Рўзимухаммад ва яна қатор-қатор иқтидорли замон синовларида ярираган шoirларнинг овозлари адабиётда Данте, Низомий, Навоий, Бобурнинг на- фосат базмлари давом этаётганлигини бил- дирмайдими? Насрдари Эркин Аъзам, Аҳмад Абъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Нодир Нор- мат, Назар Эшонкул, Собир Унар, Улуғбек Ҳамдам, Лукмон Бўрихон, Абдуқаюм Йўлдош, Исажон Султон, Зулфия Қуролбой кизи каби фаол адибларнинг пайдар-пай чиқиб турган асарлари адабиёт зўр бериб йўл-йўриқ, шакл-шамойил қидираётганини кўрсатмай- дими? Эки қатор-қатор тарихий романлар, қиссалар, ҳикоялар... гарчи савия, концеп- туаллик, универсаллик, психологизм каби мезонлар билан ўлчаганда бир хил бўлма- са-да, лектин тарихий тафаккур, тарихий саводхонлик сари қадам қўйилаётганлиги хайрли ва номлар ҳам хайрли.

Бироқ қаноат қилиб ўтириш керакми? Аммо қаноат истеъмолчилик дунёсидеа гоят- да долзарб, аммо ижоднинг ҳар қандай со- ҳасида қаноат бу турғунлик билан баробар. — Домла, сиз айтган адабий турғун- ликни келтириб чиқараётган, адабиётни оқсатётган омилир: техник тараққиёт, глобаллашув жараёни, осонига интилиш ва адабий танқидчиликнинг етарли да- ражада фаол эмаслиги, деб ҳисоблан- моқда. Сизнингча, бунга сабаб нима?

— Бу қийин гап. Аммо адабиётни "оқса- япти" ёки "адабиёт ўляпти" деб бўлармикин? Бундай "башоратларнинг" баҳоси жуда ар- зон. У енгилтақ сенсациядан бошқа нарсага ярамайди. "Худо ўлди", "Европанинг қуёши ботди", "Ғарб чуқур таназзулга гарқ" деган- га ўхшаш ўз вақтида шов-шув кўтарган га- ллар ҳам тағи пуч. Шу гаплардан кейин неча ўн йиллар ўтиб ҳам инсоният тараққиётда, чунонки, бадиий тараққиётда ўз қонун-қои- далари, изланишлари билан илгариллаб бор- моқда. Ер юзидеа ҳам, коинот бағрида ҳам мислсиз кашфиётлар қилинмоқда. Ақл усмоқ- да. Ақл ҳатто ҳиссиётга тазийқ қилмоқда.

Худди гумона ёш келинчақ бағрида ривож олгандай, санъат, адабиёт, илм, ихтиро бит- та одамнинг ичида ривожланади. Адабиёт — санъат. Илм ёлғиз ўзи ривожланмайди.

Уларнинг ўсиши ижтимоий тараққиёт, онг та- раққиётининг ажралмас узви. Ва ҳаммаси биргаликда, ўзаро алоқдорликда ўсади. Аммо ўсиш ҳар қачон бир шахсинг ичида ке- чади.

Адабиётга талаб борми? Адабиёт, санъат доимо ижтимоий талабга қараб қадам таш- лади. Достоевский, Толстой, Тургенев, Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Фафур Фуломнинг барча асарлари ижтимоий талабга кўра би- рон гоёга ҳомилидор бўлади. Ижтимоий та- лаб борки, Татьяна Ларина эрга тегади. Анна Қобил эрини ташлаб кетади, Зайнаб кундо- шини заҳарлайди. Ижтимоий талаб борки, уруш адабиёти, модерн ва постмодерн адабиёти дунёга келади. Яна ҳали қанча ...пост- лар олдинда. Сиз аввал адабиётга ижтимо- ий талаб борми, деб сўранг. Сўнг ижтимоий талаб бориб-бориб ўладими ё сўнадими, деб қўйинг саволини.

Жамият ўз аъзоларини тарбия қилишдан ҳар томонлама манфаатдор. У тарбияга муҳ- тож. У ўз ҳаётий манфаатларидан келиб чи- қиб ақллари, юракларни, дид-фаросатларни, ахлоқни тарбия қилишни мақсад қилиб қўяди. Тарбияда эса адабиётсиз ҳеч нарса- га эришиб бўлмайди. Адабиётга ижтимоий талабни мана шу тарбияга эҳтиёжмандлик юзига чиқаради. Тарбияга эҳтиёж йўқолса, адабиётга ҳам эҳтиёж қолмайди ва ана ўшандагина "адабиёт ўлади".

Ижтимоий талаб ва адабиёт устида ўйла-

Америка, Европа, Марказий Осиёнинг ўрта- сидаги ва унинг юраги бўлган Ўзбекистон фикр шалолалари китъалар оша деразалар- дан тушиб келиб мияларни ўз қомига торта- ётганига бефарқ қарай.

Ахир сиз, биз, ҳаммамиз биламиз-ку, аудиториянинг лоқайдлиги, бефарқлиги, сустилиги, бўшанглиги адабиётнинг фожиаси, шеърга талабнинг йўқолганлиги — унинг ўлими. Аммо шеърнинг — бадиий сўзнинг талаб ва тараб (яъни кураш) майдони йўқол- маган. Шеър энди қайда бўлмасин, Амери- кадами ё Осиёда шу ўзига талаб йўқолмас- лиги учун курашади. Ва ўқувчидан қарахт бўлиб қолган қўлини кўтариб қўйиш — жон- лантиришни сўрайди.

— Ижтимоий бурлишлар ҳаммаша ада- биётга янги ҳаво, катта тўлқин олиб кир- ган. Тарихни олиб қарасак, дейлик На- полеон юришлари Европани ағдар- тунтар қилиб юборди. Ҳаёт бу оламшу- мул ўзгаришлардан қаттиқ таъсирланган эди. Ўтган аср бошларида ёки Муста- қиллик арафасида миллий адабиётимизда ҳам ўзига хос кўтариллишлар бўлган: эрк ис- таги. Озодлик эпкини! Муста- қилликка эришганимизга ҳам йигирма йилдан ошди. Шун- дай буюқ воқеалардан кейин ҳам адабиётимизда қандай- дир осудалик... ёки чиндан ҳам асар фақатгина дарддан туғилдими? Масалан, замон қаҳрамони образи намунаси- ни берадиган, ўқувчини ўзига мафтун этадиган бирор асарни эслоласизми?

Иброҳим ФАФУРОВ:

Ақл ва юрак маъносини излайман...

— Бир тузумдан тамомила бошқа тузумга ўтиш осон эмас. Биз бугун тарихан, буткул янги давр ва муҳитда яшаймиш. Бу янги жамият, янги дунёқараш, янги идеаллар, янги дунёқарашда одамлар дунёси. Турмуш-тарзи, ўй-фикрлари, орзу-армонлари- гача янги бўлган бир давр одамларимиз биз. Гарчи, инсонга хос бадиий муаммолар ва ту- шунмовчиликлар, зиддиятлар, курашлар моҳияти ўзгармай қолса-да, бу масалалар- нинг барчасининг замини, заминки, янги заминий катта аҳамиятга эга. Шу эркинлик- ни, озодликни кўмсаган халқ фарзандлари- нинг орзуи рўёбини топиб, янги даврга қадам қўйган, унинг адабиёти ҳам янгила- моғи табиий. Озод одамлар қалб кечинма- ларининг ифодасини бутун буй-басти билан ифодалаш ижоддордан ҳам қалбан янгила- нишни тақозо этади. Адабиётга эътибор миллат маънавиятига, маданиятга эътибор даражасига кўтарилган бугунги кунда бу хусусда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ излани- шимиз заруратдир.

Миллий шеърятимизда бу жараён сези- ларли даражада ўсди, ҳосилини берди. Бир- биридан ажойиб ҳикоялар, драмалар ҳам яра- тилгани бор гап. Аммо ижодкорларимиздан замон қаҳрамонининг бутун қиёфаси эск атган йирик романларни кутаямиз.

Замон қаҳрамонлари ёки антиқаҳрамонла- рини яратиш учун ижодкорлар халқ ичидан ўсиб чиқди. Шундай бўлмагунча, халқ ичи- дан ўсиб чиқмагунча сизнинг идеалингизда- ги ёзувчи бўлиш қийин. Бизда роса етиш- ган одамни "ичидан пишган" дейишарди. Жуда маънодор гап. Ичидан пишган одам оз — халқ ичида — унинг қайғулари, қувончлари даражасида пишган. Бу иборани ўтмиш те- гирмонларидан чиққан барча зиёли маъри- фатпарварларимизга нисбатан айтиш мум- кин.

Ахир қаранг, Ҳалималарнинг, Ойдиннинг, Ибодатнинг, Усмон Азимнинг шеърлари — шеърый ҳодисалари бизни мафтун қилмап- тимми? Уларда безовта қалбларнинг улуг са- долари эшитилмаётганими? Агар эшитмаёт- ган бўлсак, айб бизда, қулоғимизда, қама- шайтган кўзимизда (Палмер ибораси!) эмас- микин? Эвоҳ, "оммавий маданият" деган ҳар ёқни қамраган оқим ҳамма нарсаларни бир- дан бир қозонга ташлаш, истеъдодни ҳам, истеъдодсизликни ҳам, лаёқатни ҳам, лаё- қатсизликни ҳам, кадрни ҳам, кадрсизликни ҳам битта қозонга ташлаш, бир хил кўриш, бир тусда сийқалаштиришга мойил. Жаҳон адабиёт ва санъат майдонидеа шундай сийқа- лаштириш шиддатли оқим тусига кирди.

— Сермаҳсул таржимонлик фаолиятин- гиздан келиб чиқиб, ўзбек таржимончи- лиги эришган кейинги ютуқлар ва сиз долзарб деб ҳисоблайдиган жиҳатларга тўхталсангиз?

— Бадиий таржима соҳасида кейинги ўн беш-йигирма йил давомида Қодир Мирму- ҳамедов, Жамол Камол, Низом Комил, Амир Файзулло, Абдулла Шер, Мирзаали Акбаров, Сулаймон Раҳмон, Тоҳир Қаҳҳор жуда катта маданий қатламларни ўзбек тили ва мада- ниётини доирасига киритишди. Аттор, Румий, Шекспир, Достоевский, Жойс, Маркес, Каф- ка, Байрон, Есенин хазиналари ичига ҳозир- ги ўқувчи энди она тили муҳитида бемалол кира олади. Булар энг теран ҳаёт ва илоҳиёт мактаби ва мангу илхом сарчамалари. Улар келажак таржимонларини ҳаммаша қўлла- йди. Улар ҳақида доим фикр юритиш, таҳлил ва

талқин қилиш, ўзи учун ибрат олиш муваф- фақиятларга гаров ва зиёлининг виждон иши ҳисобланади.

— Таржималарингизда тилимизда ав- вал учрамаган сўзларни ҳам учратиб қоламиз...

— Бадиий таржимани мен доим Сўз ичи- га, Сўз маънолари ичига, образ ичига, об- раза одамлари ичига чуқур кириш деб ҳисоб- лайман. Таржимон бунда жуда юксак иқти- дорли, хотираси маҳсулдор актёрга ўхшай- ди. Актёр образ ичига чуқур кирибгина ўз санъатини яратади. Сохталик, ясамачоқлик, жўниқлардан кутулади. Образ ичига чуқур киролмаган актёр томошабин кўз ўнгида аҳмоқ бўлиб қолади. Таржимон ҳам худди шундай. Мен доим ўзимга Достоевский "Иблислар"ни ўзбек тилида қандай ёзар- ди? деб савол қўяман. Тасаввурларимда бу саволга жавоб топишга, ўзбекча Достоевс- кийча жумлалар яратиш, поэтика тизими- ни шакллантириш пайида бўламан. Анча вақт, куч, меҳнат, диққат кетади бунга. Ало-

ҳида ноёб сўзлар фақат керак жойда эстетик, ба- диий қиммат касб этади. Бўлар-бўлмасга "ноёб" сўзларни қўллавериши- нинг ҳеч маъноси йўқ. Мен- га бир катта ёзувчи ўз вақ- тида "Осетта патриарх"ни "Падарнинг таназзули" деб олинг дегандай қим- матли маслаҳат берган эди. Қандай яхши! Аммо яланғоч поэзия йўқ. Қиди- риби-қидириб бизнинг халқимизнинг тарихида, Шош, Самарқанд, Пайқанд сингари улуг маданий ша- ҳарларнинг илк дунёга ке- лиши, шухрати дунёга ёйилишида Афросиёбнинг — Алп Эр Тўнганнинг ўрни ҳақида ўйлаб ўтириб, хаё- лимига бирдан "бузрук" де- ган сўз келди. У "куз" деб ички оҳангдорликни ҳам топди. Рамзий-символик қиммат касб этди. Ва Г. Маркеснинг "Буз- рукнинг кузи" романи ўзбек ўқувчиси қўлига шу ном билан етиб борди. Сўзнинг қимма- ти, эстетик гўзаллиги фақат керак ўринда, унга талаб бўлганда очилади.

— Бугун дунёда бутун-бутун миллат- лар, қадриятлар, анъаналар оммавий маданият ўпқонига, глобаллашув гирдо- бига тортилиб кетмоқда. Айримлар бун и муллоқ демократия, эркинлик деб ҳисоб- лаётди. Хайрат сўниб, дидинг саёзла- шиш бораётгани ҳам, афсуски бор гап...

— Дидинг ўтмаслашиб бориши бу — фаросатсизлик-да, тўғрими? "Оммавий мада- ният" шунга эришди. Энди саёз, пуч, шақил- доқ "асарлар", "танланган асарлар" билан ҳақиқий бадиий қимматга эга асарларни фарқлаб ўтирмаса ҳам бўлаверадиган аҳвол вужудга келди. Ушбу бефарқлик, бўшанлик, сустилик чин адабиётнинг заволи. Дид, фаросат ўлган бўлса, бунда концептуаллик ва тағмаёно ҳам ўлди.

— Ҳозирда стадионни тўлдирган одам- лар қаршида шеър ўқишнинг иложи йўқ. Аммо "Божапар" гуруҳининг "Зўр- зўр" кўшигига зал жўр бўлиб гувилламоқ- да. Бу ҳам табиий ҳолми?

— "Оммавий маданият" таомилларида ҳа, бу табиий ҳол. "Оммавий маданият" бошқа- ча бўлади деб ўйлаш соддалик. "Масс-ме- диа" бундан кейин бор кудратли кучи билан бундай саёзликларни авж олдиради. Ҳамма нарсаларни сохталаштиради, натижада одамлар ўртасида фойритабий муносабат- лар ҳам "табиий", "инсон шун иста- са, қилаверсин" деган ҳоллар авж олади.

— "Ўзбекчилик" деган сўзни баъзан жиддий, баъзан киноя билан тилга оламиз. "Ўзбекчилик"дан қийналганим- сиз, гурурланганимизми?

— Барча халқларда ҳам ўзига хос "... чилиқлар" истаганда топилади. Булар тари- хан шакланган менталитетнинг пўпанакла- ри. Халқ ўзини бошқа халқлар қаторида чу- қур англаб борган сари бу пўпанаклардан би- рин-сирин халос бўлади. Халқ ўз "...чилиқ- лари"дан қулиб хайрлашади. Аммо баъзи "...чилиқлар", чунонки, шовинизм, такаббури- лик, фақат қурол кучига ишонши — эндиги замонларда фақат тузалмас фожиаларга олиб боради. Шукруким, "Ўзбекчилик"да бундай кенг ёйилган иллатлар йўқ. "Ўзбек- чилик" соддароқ одамнинг яхши яшаш истаги, холос. Аммо у шовинизм эмас.

— Қилмас бўлмайдиган, лекин вақт ажратолмаётган, бирор ҳаммасб шоғир- ингиз амалга оширса хурсанд бўлади- ган иш деб нимани айта оласиз? Шу ёшда нимани орзу қилган бўлардингиз?

— Дунё адабиётини, фалсафий, ижтимо- ий, илмий тафаккурини амалиёт манфаатлар учун қиёсан кенг миқёсда ўрганиб бориш ке- лажак учун улуг самаралар беради. Доим дунё билан бўйлашайлик. Ҳар қим ўз ишини охи- ригача ўзи қилиши керак. Ақл ва Юрак ҳаёт- нинг барча ҳулу ҳолатларидеа тўхтовсиз маъ- но касб этишини орзу қиламан. Юрак ва Ақл маъно касб этса, ҳамма соҳада тараққиёт ва таракқиётда маъно бўлади. Бу романтик гап эмас. У коинот воқелиги тақозоси.

— Бир тилак айтинг.

— Дилимиз, тилимиз, тилагимиз билан бир бўлсин! Худо — меҳрибон!

Шодмонкул САЛОМ сўхбатлашди.

«ХАЁТ ФОРМУЛАСИ»НИ КЎРИБ...



Шундай сахна асарлари борки, томоша қилганинг сари юрагингдаги мудроқ туйгулар жунбушга келади, анча вақтгача унинг таъсиридан чиқолмай юрасан. Ўзбек давлат драма театрида намойиш этилган «Хайёт формуласи» («Пуанкарэ») ана шундай спектакл бўлибди. Уни бугун бир томоша қилиб, эртага унутиб юбориш мушкул.

Ёзувчи Абдуқоюм Йўлдошевнинг «Пуанкарэ» ҳикояси асосида режиссёр Нилуфар Ниёзова сахналаштирган бу спектаклда асосий ролларни Самиддин Лутфуллаев, Нодир Мирзааҳмедов, Феруза Мелибоева, Гайбулла Жуманов, Раъно Эгамбердиева, Мадина Тўхтаева, Юлдуз Хайдарова каби касбининг фидойилари ижро этишган. Мусаввир — Улуғбек Эшонкулов.

роғ англашилади. Фанга доир мисол ва масалалар ҳамма ёқда: деворларда, бурчакларда, сахна полларида ва ҳатто момоларнинг тугунига ҳам қалашиб кетган...

Маълумки, спектаклда мусиқа танлаш маҳорати муҳим омил саналади.



Мулоҳаза

Зотан, у орқали воқеа-ҳодиса ёки қаҳрамоннинг ички дунёси янада ёрқинроқ очилиши мумкин. Мазкур сахна асариде мусиқалар дид билан танланган. Атрофдагиларнинг лоқайдлиги, илмга эътиборсизлиги туфайли азият чеккан, яқинларининг таҳқирлашига учраган шўрлик олимнинг ботиний оламиди чуқурроқ ифодалашда оҳанглар яқин кўмакчи бўлган.

Актёрларнинг пардозиди ва либослари ҳам мажозий маъно бор. Дўст қиёфасидаги шайтон образига шундай кийим танланганки, бир қарашда унинг кимлиги англашилади. Ҳатто чирик усталари ҳам ўз ишини маҳорат билан баҳаришган. Уларнинг ҳизмати билан вазият, ҳолат тасвири янада ишончлироқ чиққан.

Шу ўринда битта мулоҳаза: спектакл намойишида замонавий йўлдан борилган, яъни томошабин ҳам, ижодкорлар ҳам бир сахнада туришганини ҳисобга олиб, либос ва безаклардаги энг майда камчиликларга ҳам эътиборли бўлиш керак, назаримда. Айниқса, чимилдик сифатида олиб чиқилаётган мато нуқсонлардан холи бўлиши лозим. Зеро, чимилдик ота-боболаримиз томонидан муқаддас саналиб, у энг гўзал матолардан тикилган.

Барча актёрлар ўзларига топширилган ролларини юқори савияда ижро этган. Айниқса, бош қаҳрамон образини яратган Самиддин Лутфуллаевнинг маҳоратига қийил қолиш лозим. Икки соатдан кўпроқ вақт давомида томошабин кўз олдига туриш, ҳар бир ҳаракатини, ҳар бир сўзини маромига етказиш, бирор кичик камчиликка ҳам йўл қўймайлик жуда қийин. Ҳатто кўпбал тажрибали актёрлар ҳам сахнада ўзини назоратда ушлашга қийналганига гувоҳ

бўлганмиз. Бу ёш актёрнинг ижросини кузатиб, у бундан ҳам кўпроғига қодир, деган фикр туғилади.

Яна бир гап. Олимнинг болалик дўсти Тиркаш образига катта ҳаётий фалсафа бор. Уни бу дунёнинг барча лаззатларидан баҳраманд инсон қиёфасида кўрамиз. У қишлоқнинг энг сулув қизига уйланган, мол-дунёси етарли, ҳаёти вақтичолликда ўтаётган одам. У олим дўстини кўргани келганида унинг камтарона ҳаётини кўриб, пул беради. Олим эса унга шоир Усмон Азимнинг китобини совға қилади. Йиллар ўтиб, у яна шахарга келганида ҳам дўстига яна пул беради. Олим китоб бермоқчи бўлганида у: «Йўқ, бошқа китоб берма, китобим бор» деб чўнтагидан ҳалиги шеърини тўпламни олиб кўрсатади ва «Ўқийман» деб кўяди. Англашиладики, ҳаёти тўқин дўсти йиллар оша бир сатр ўқишга ҳам жазм қилмаган. Вақт ўтиб, касаллик туфайли ўлим тўшағида ётиб қолган Тиркаш олимдан шоирнинг китобини ўқимагани, бир мисра айтиб беришини сўрайди. Дўсти шеър ўқий бошлаганида, у бу дунёни тарк этиб бўлганди. Баъзан мол-дунё топиш йўлида умримизнинг йилларини аямаймиз-у, маънавият бўлоғи бўлмиш китоб ўқишга соатларимизни қизганамиз. Ҳолбуки, ҳикоя муаллифи Абдуқоюм Йўлдошев айтмоқчи, мол-дунё, ҳою ҳаваснинг умри қисқа, илминг, маърифатнинг ҳаёт йўли узундир.

Спектаклни томоша қилиш жараёнида кўнгилни хира қилган бир жиҳат ҳақида сўз юритмаслик тўғри бўлмас. Очиғи, олимнинг отаси образи талқини миллий театримиз, аъёнаимиздан келиб чиқсақ, қурули кўринади. Касалманд бўлсин, аёлининг ёрдамига муҳтож бўлсин, ота оилада барибир, оталик мақомида туриши керак. Шундай олим ўғил воёга етган оилада ота устун, унинг гапи қонун бўлмайди?! Аммо яқинчоқ овозда «кампи-и-ир» дея аёлининг орқасидан қалтираб юрадиган эркак образи мазкур спектакл мазмунига мос эмас. Назаримда, режиссёр бу образ устида жиддий изланиши керак эди. Азалдан оталаримиз, эркакларимиз аёлидан етти кадам олдинда юрган. Аёл эркакнинг олдида овозини баландлатмаган. Томошада икки аёл қуданинг эркак киши олдидаги тортишуви одамга ниҳоятда малол келди. Бу борада режиссёр ҳам, актёрлар ҳам ўйлаб кўришлари зарур бўлган жойлар бор.

Умуман олганда, «Хайёт формуласи» жаҳон сахналарида ҳам намойиш этиш мумкин бўлган спектакл бўлибди. Драматург, режиссёр, актёрлар ансамбли, бутун жамоа меҳнати эвазига замонамиз қаҳрамони ҳаётини ҳаққоний рангларда тасвирлаб берувчи сахна асари яратилган. Шу маънода, бу спектаклнинг томошабинлар, айниқса, ёшларимиз учун ибратли, сабоқ бўларли жиҳатлари кўп, деб ўйлаймиз.



Ситора ТОЖИДИНОВА

Юртимизда фаолият кўрсатаётган қирққа яқин театрларнинг барчаси ўз йўналиши, мактаби, ўзига хос ижодкорлари, ва албатта, томошабинларига эга. Бу санъат масканларининг ўзаро мулоқотда бўлиши, ижодий тажриба алмашиши, шубҳасиз, ўзбек театр санъатининг янада ривожланиши ва ранг-баранг

бирлашма бош директори ўринбосари Нодир Сайфуллаев, Муҳимий номидаги театр директори Мурод Ражабов бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан театрлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, сахна ижодкорлари намойиш этаётган сахна асарларининг маънавий ҳаётимиздаги аҳамияти, пойтахт ва вилоят

корлар драматург Рихсивой Мухаммаджонов асари асосида режиссёр Хайрулло Солиев сахналаштирган «Аёл кечирмайди» спектаклини пойтахт томошабинлари эътиборига ҳавола этилди. Бугунги кунда глобал муаммолардан бирига айланган одам савдосига қарши курашга бағишланган ушбу сахна асари томошабинларни чуқур ўйга солган бўлса ажаб эмас. Ўзбекистон санъат арбоби, режиссёр Карим Йўлдошев сахналаштирган «Тўйлар муборак» (Ўткир Ҳошимов асари) спектакли пойтахтимиздаги Ўзбек давлат драма театрида ҳамда Ўзбекистон Миллий университетидан маданият саройида намойиш этилди.

НАМАНГАНЛИК САНЪАТКОРЛАР ПОЙТАХТДА

бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда «Ўзбектеатр» бирлашмаси сўнгги йилларда театрларнинг вилоятлараро сафарларини ҳамда вилоят театрларнинг пойтахтдаги гастрол сафарларини мунтазам йўлга қўйиб келмоқда.

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят театрининг пойтахтимизга уюштирган ижодий сафари ана шундай тадбирларнинг бири сифатида ижод ахли учун ҳам, томошабинлар учун ҳам яхши совға бўлди. Муҳимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида бўлиб ўтган тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан

театрлари гастролларининг ўзаро тажриба алмашиш борасида ўрни ҳақида сўз юритишди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Ҳамроев, атоқли актёр Набижон Розийқабил саъяткорлар асос солган Наманган вилоят театрининг ҳам бугунги сахна маданияти ривожига ўз хиссаси бор. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида Наманган театри актрисаси Азизахон Каримовога «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилгани жамоанинг ижодий изланишлари самарасидир.

Шу кун наманганлик ижод-

Камола ИСАХОНОВА

Бошланиш биринчи саҳифада.

«Бола-да, ўйнагани келгандир», ҳаёлидан ўтказди ота. Ҳеч қанча вақт ўтмай, ўғлининг Таваккал Қодиров куйлаган «Фасли навбахор» кўшигини хиргойи қилиб юрганини сезади. Шу қўшиқ сабаб бўлдию авлодидаги санъатга қизиқиш Абдуллажонда ҳам бўй кўрсатаётганини пайқаб, қувончи ичига сиймади. Кейинчалик у ўғлининг мактабдаги тадбирларда фаол иштирок этиши, шарали овози шаклланиши учун барча имкониятларни яратиб берди.

— Санъатга қачон ошно бўлганини эслолмайман, — дейди Абдулла Ширинов. — Отам саз чалиб, қўшиқ айтарди. Уйимизда деярли барча қолгу асбоблари бўлиб, турли санъаткорлар тез-тез келиб туришар эди. Уларнинг қўшиқлари, қалган куйларини маҳлиё бўлиб тинглардим. Эшитган қўшиқларимни такрорлаб юришдан ёқимлироқ иш йўқ эди мен учун.

Ҳа, ёш хонанда учун оилавий муҳит катта рол ўйнади. Аммо инсон ҳар қандай касбини эгаллаши, соҳага қуқурок кириб бориши учун, албатта, устоз ўғитларидан баҳраманд бўлиши даркор.

— Мактабни тугатиб, устозлар маслаҳати билан Қарши санъат коллежига ўқишга кирдим, — дейди Абдулла. — Шу даврга келиб, хонандаликнинг қайси йўналишини танлаш ҳақида ўйлашни қолдим. Анча вақт миллий қўшиқларимиз таъсирида юрдим. Бир неча танловларда муваффақиятли иштирок этиб, кўпчиликнинг эътиборига ҳам тушдим. Бироқ устозим Файзулла Исломов овозимни қайта-қайта эшитиб, академик хонандалик йўналишидан боришим кераклигини айтиб да мен италян, инглиз, француз тилларида ёзилган операларни ёд ола бошладим. Рисоладагидек айтмаганимча машғулот жараёналари тугамасди. Устозим нафақат санъатда, балки ҳаётда ҳам ўз ўрнини топишда зарур маслаҳатларини аямгани ижодимга қанот бағишлади.

Истеъдод бир қанот бўлса, уни намойиш эта олиш, билим ва мунтазам машқ иккинчи қанотдир. Шу мувозанатни сақлаб олган ижодкоргина кўзлаган мақсадига эришиши мумкин. Коллежнинг учинчи босқичида Файзулла Исломов шогирдини ёнига чақириб шундай деди:

— Абдуллажон, сenga бир маслаҳатим бор. Ария ва романсларнинг сир-асроридан анчагина бохабар бўлдинг. Биласан, ёш ижодкорларни рағбатлантириш, уларнинг ижодини қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизда кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Бир истеъдоднинг синовдан ўтказиб кўрмайсаними? Бахонада тенгдошларининг иқтидорини ва маҳоратидан ҳам хабардор бўлардинг.

Етти ранг

Эътиборли жиҳати, машҳур расом қаламига мансуб картина Норвегияда, эски уйларнинг биридаги чордоқда топилган. Маълумотларга қараганда, асар 1908 йили норвегиялик ишбилармон Кристиан Никоса томонидан санъатшунос ва таъмирчи Йенс Тийса маслаҳатига кўра харид қилинган. Аммо кейинчалик таниқли коллекционерлардан бири картинани қалбаки нусха сифатида баҳолагани туфайли эътиборсиз қилиб кетган.

Бир асрдан ошқ танаффусдан сўнг, ниҳоят, «Монтмажур оқшоми» Ван Гог қаламига мансуб асл нусха экани расман тасдиқланди. Картина 24 сентябрдан бошлаб Амстердамдаги Ван Гог музейининг асосий экспозициясидан жой олади.

Энг яхши филмлар сўрови

Муҳлисларнинг хабари бор, Британия кино институти томонидан ҳар ўн йилда бир маротаба кино тарихидаги энг яхши филмларни аниқлаш мақсадида махсус сўров ўтказиш аъёнага айланган. Яқинда ушбу сўровнинг навбатдаги натижалари эълон қилинди. Етмиш уч мамлакатдаги кино соҳаси мута-

хассислари иштирок этган мазкур лоийҳада биринчи ўринни Альфред Хичкокнинг «Сархушлик» картинаси эгаллади. Тазкидлаш лозимки, 1962 йилдан буён сўровда Орсон Уэллснинг «Фуқаро Кейн» фильми пешқадамлик қилиб келаётганди. Бироқ бу сафар «Фуқаро Кейн» кино тарихидаги энг яхши филмлар рўйхатида иккинчи ўриндан жой олди. Учинчи ўринга эса Ясудзиро Одзунинг «Токио киссаси» драматизи лойиқ қўрилди.

Шунингдек, рўйхатнинг юқори ўнталигидан «Уйин қондаси», «Уфқдаги қуёш», «Жанна д'Арк изтироблари», «Киноаппарат қўтарган одам», «Изловчилар» каби турли йилларда суратта олинган машҳур филмлар ҳам жой олди.

Кино бозорига янги рекорд

Дунёда етакчи ҳисобланган Америка кино бозори янги рекордларни қайд этишда давом этмоқда. Ёш мавсуми яқинига кўра, филмлар намойишидан тушган умумий даромад микдори 4,76 миллиард долларни ташкил қилди. Бир қанча юқори бюджетли филмлар омадсизликка учраган бўлишига қарамай, даромадлар кўрсаткичи сўнгги рекорд ўрнатилган 2011 йилнинг ёш мавсумига қараганда етти фоизга ошган. Мутахассисларнинг фикрича, бу

мавсумда, айниқса, кичик бюджетли филмлар катта маблағ ишлашга эришди. Масалан, етмиш беш миллион долларли «Ёлгон рўёси» фильми Америка кино бозорига юз миллион доллар маблағ тўплади. Йигирма миллион долларли бюд-



жетга эга фантастик жанрдаги «Қарғиш» фильми эса бир ўз ўттиз тўрт миллион доллар ишлаган. Америка кинотеатрлари уюшмаси президенти Жон Фитининг айтишича, ёш мавсумида ўн бешдан ошқ филмлар қўтилганидан кўра катта даромад келтирган. Энг катта маблағни, тахмин қилинганидек, «Темир одам — 3» фильми ижодкорлари қўлга киритишди. Картина ёш мавсуми яқунларига кўра, Шимолий Американинг ўзида тўрт юз миллион доллардан ошқ маблағ тўплашга эришган.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Мерлан Монронинг сўнгги суратлари

Нью-Йоркнинг «Freeman's» аукционида Голливуд тарихидаги энг машҳур актрисалардан бири Мерлан Монро фотосуратларининг сотуви ўтказилди. Кутилганидек, ушбу тадбир кўплаб йирик коллекционерларни жаллади. Сабаби, аукцион иштирокчилари Мерлан Монронинг энг сўнгги фотосуратларини харид қилиш имконига эга бўлишди.



«Freeman's» аукционидан ўрин олган асарларнинг ноёблиги шундаки, улар 1962 йили, машҳур актриса вафотидан олти ҳафта олдин «Vogue» журналининг бюртмасига кўра таниқли фотограф Берт Штерн томонидан суратга олинган. Фотосессия уқ кун давом этган бўлиб, бу вақт давомида Б.Штерн икки минг беш юздан ортқ лавҳа

ларни плёнкага муҳрлаган. 2008 йили мазкур суратларнинг маълум қисми «Christie's» аукционида сотувга қўйилганди. Ушанда Монронинг ўттиз олти сурати бир юз қирқ олти минг долларга баҳоланди. Бу сафарги аукциондан актрисанинг бор-йўғи ўн та сурати ўрин олган бўлса-да, улар бошланғич нархидан тўрт баробар қимматроққа, яъни қирқ бир минг долларга харид қилинди.

Венеция кинофестивали

Венеция кинофестивалининг етмишинчи — байрамона дастури якунига етди. Анжуман тарихида илк бор бош мукофот — «Олтин шер» совринига Жанфранко Россининг «Муқаддас Рим ҳалқаси» ҳужжатли фильми лойиқ топилди. Бироқ ҳақамлар ҳайъатининг бу қарори мутахассисларда жиддий эътироз уйғотди. Сабаби, аксарият муҳлислар фестивал давомида мазкур филмни томоша қилиш имконига эга бўлишгани йўқ. Шунингдек, энг яхши режиссёрлик иши йўналишида «Кумуш шер»га муносиб топилган Александрос Авранасининг «Шафқатсизлик» фильми ҳам танқидчилар томонидан ижобий баҳоланмади. Айниқса, филмда бош ролни ижро этган Темис Пану энг яхши актёрлик иши учун мукофотлангани

мутахассисларни ажаблантирди. Хабарингиз бор, ўтган йили «Олтин шер» совринига корейлик режиссёр Ким Ки Дукнинг «Пьета» фильми лойиқ топилди, бу воқеа ўзига хос шов-шувга сабаб бўлганди. Навбатдаги фестивалда ҳам Осиёлик кино усталарининг ишлари эътироф этилди. Жумладан, хитойлик режиссёр Цай Минянь «Саёқ кўпаклар» фильми учун фестивал ҳайъатининг махсус Гранпри соврини билан тақдирланди. Энг яхши актриса йўналишида асосий соврин «Палермо кўчаси» картинасидаги ижроси учун Елена Коттага насиб этди.

Қалбакига айланган асл Ван Гог

Ҳаёти давомида ҳатто ўртаимёна рассом сифатида ҳам танила олмаган, бироқ вафотидан сўнг дунёдаги энг машҳур мўйқалам соҳиблари қаторидан жой олган Винсент ван Гог яратган асарлар ҳамон санъат ихлосмандларини ҳайратга солмоқда. Яқинда Амстердамда мусаввирнинг «Монтмажур оқшоми» номли асари тақдироти ўтказилди. «Burlington» нашрининг хабар беришича, Ван Гог томонидан 1888 йили Франциянинг Арл шаҳрида яратилган мазкур асар шу кунга қадар санъат оламига маълум эмасди.

“ЭМАНЗОР” ИЛҲОМЛАРИ

Жаннатмонанд юртимизда ҳордиқ чиқарадиган сўлим ва мафтункор гўшалар кўп. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган, Ўзбекистон Бадний академиясига қарашли “Эманзор” дам олиш маскани ҳам шундай оромгоҳлардан бири.

Товарак-атрофи кўкка виқорла билан бўй чўзган эманлар билан қопланган, пурвиқор тоғлар саботат тўкиб, турфа гуллар ёқимли бўй таратиб турган Оқтошдаги бу оромгоҳ йил ўн икки ой иждоқорлар билан гавжум. Санъат асарлари билан доврўқ таратган таниқли мусавирлару қўли гул ганчкорлар, лойдан кишини ҳайратга соладиган мўъжизалар уйлаб топадиган куллоллару ёғоч ўймақорлари, хуллас, ҳунармандчилигимиз ривожига улкан ҳисса қўшаётган ўз касбига фидойи инсонларнинг қўчилигини ушбу маскандан учратишнинг мушкун.

минлаб беришади. Дарҳақиқат, марокли ҳордиқ олиши учун яратилган шароитлар ҳавас қилгулик. Шинам дам олиш хоналари, қулай, чиройли мебеллар... Айниқса бу ернинг соф ҳавосига монанд табиат гўзаллигини айтмайсиими? — Бундай мафтункор жойлар бизга илҳом берадиган ажойиб гўшадир, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ниёзали Холматов. — Табиатнинг гўзаллиги киши руҳиятига тетиклик бағишлайди. Айниқса, санъатни чуқур тушунадиган қалбнингизга яқин одамлар билан дилдан суҳбатлашиш янги ижодий режаларга рағбат уйғотади. Ҳар доим бу ерга ташриф буюрганимда янги дўстлар орттираман. Қўли гул устаю ҳунармандларнинг кўпчилигидан фахрланаман. Улар билан ижод, янги санъат намуналарини яратиш ҳақида қилган гурунглари-миз базан тонгача давом этади. Бу оромгоҳни мен иждоқорга илҳом берадиган тиниқ сувли



Табиат бағрида

чашмага қиёслагим келади. — “Юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган яхши”, деган мақол хўп топиб айтилганига яна бир бор амин бўлдик, — дейди машҳур ганчкор, Ўзбекистон халқ устаси Асрол Мухторов. — Биз, бир гуруҳ фахрий-иждоқорлар юртимиз Истиқлолнинг кутлуғи 22 йиллиги шодиёналари ўтаётган кезларда шу оромгоҳда

дам олдик. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, байрам арафасида ушбу маскандан кенг қўламда ободлаштириш ишлари бажарилди. Биз ҳам қараб турмадик. Дам олишга келувчилар ҳам гул кўчатлари экишга баҳоли кудрат ёрдамлашдик. Оқшом тушиши билан оромгоҳ йўлқалари сайр қилувчилар билан янада гавжум бўлиб

кетди. Уларнинг ҳар бири келгусида яратилажак асарлари билан нафақат ўз ижодини, юртимиз маънавияти ва маданияти хазинасини ҳам бойитадилар. Негаки, яхши ҳордиқ ҳамиша бетакрор илҳом онларига замин ҳозирлайди.

Солиҳ ЁҚУБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Соғинанг — бойлагинг

КЕЧКИ ТАОМ қандай бўлиши керак?

Овқатланиш тартиб-қоидаларига риоя этилганда, кечки таом қандай бўлиши керак? Ухлашдан неча соат аввал овқатланган маъқул? Кечки иштаҳани бўғишнинг иложи бўлмаса, истеъмолга нималар тавсия этилади? Бу саволларга руҳшунос Е.Морозова шундай жавоб беради:

— Бу ва бошқа шу каби саволлар соат 18.00 дан сўнг умуман овқатланмаслик керак, деган янглиш фикрдан келиб чиққан. Аслида ҳар бир одамнинг ўзига хос ички биоритми бор: кимдир уйқудан барвақт уйғонади, кимдир жуда кеч ухлайди. Бироқ ҳаёт одамлар турмуш тарзига ҳамиша ўзгартирилган киритиб туради. “Сўфитурғай”лар барвақт турса-да тункезарлик қилишга, “бойқуш”ларнинг эса уйқудан эрта уйғонишига тўғри келади. Тез-тез шундай ҳоллар ҳам бўладики, одатда кўра, кечки таомни соат 18.00 да истеъмол қилган бўлсангиз-да, ярим тундан сўнг ухлаш учун ётишга тўғри келади. Олти соат таомланмай юриб, қорин оч қилганда ётганингиз билан яхши ухлай олмайсиз. Шунда беихтиёр нимадир тамадди қилишга тўғри келади. Ярим тундаги тамадди эса кечкиби ейилган овқатдан ҳам зарарлироқ. Бу пайтда организм эртанги кун учун куч тўплашга ҳозирлик кўраётган бўлади. Шу сабабли жуда кеч истеъмол қилинган таомлар ҳам бўлмайди.

Тунги тамаддининг олдини олиш учун эса, кечки таом вақтини тўғри танлашга одатланиш зарур. Яъни кечки овқатни уйқуга ётишдан уч соат аввал истеъмол қилсангиз, бу саломатлик учун айна муддао. Мабодо уйқуга кеч ётадиган бўлсангиз, барвақт овқатланманг. Кечки овқатланишда, агар сизга зам этилган бўлса, гўшти ва балиқ сингари оқсилли, картошқасиз сабзавотли гарнирларни танланг. Бироқ ҳамирли ва ёрмали таомлар тавсия этилмайди. Масалан, балиқ лаҳмини помидор, булғор қалампир, бодринг, кўкатлардан иборат янги сабзавотлар салати билан бирга истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Гўшт қиймаси солинган булғор қалампир, патиссон ёки қарама дўлма, қайнатилган товۇқ тўши сабзавотли жарпоқ билан, қарама билан димланган курка гўшти, рангдор қарама қўшиб пиширилган бузқок гўшти кечки овқат учун маъқул таомлар. Овқатдан кейин ейилган мёва, конфет ва пиширилган фойдаси кам. Негаки, кечқурун ейиладиган барча ширинликлар тунда организмда ёгга айланади. Оқшомги овқатда макарон ва нонга ҳам ружу қўяманг.

Уйқудан олдин эса бир стакан қатиқ ёки ряженка (қизарибқот ивиган қатиқ) ичиш, шафтоли, ноқ каби мевалардан ейиш мумкин. Энг муҳими, ширин пишириклар, конфетлар, музқаймоқ ва бошқа шу кабилар истеъмолидан тийилиш лозим бўлади. Оч қорин билан ётиш уйқуну бузади, тўйиб ва кўп овқатланиш ҳам организмнинг дам олишига халал беради. Шу боисдан кечки овқатнинг сифати ва миқдорига эътибор бериш зарур. Агар кечки таомни барвақт еб, ярим тунда ухлашингизга тўғри келса, қоринни “алдаш” учун олма қоқи еган маъқул. Унинг калорияси кам, узоқ чайналади, таъми яхши ҳамда ўзи фойдали. Сувни ҳам ёдда тутинг. Кўпинча киши организмни иштаҳа билан чанқоқни адаштиради. Масалан, ички ставкан қайноққина ўт-ғиёҳ солиб дамланган чойдан сўнг умуман иштаҳа йўқолади. Кечқурун занжабил (имбир)ли чой жуда фойдали. Уни ичиб ижодий иш билан шуғулланиш ҳам мумкин. Занжабил иштаҳани даф этади, ҳордиқ чиқаришга ёрдам беради.

ҚОРА ЧОЙ БЎҒИМЛАР УЧУН ХАВФЛИМИ?

Америкадаги Жоржтоун университети тиббий маркази олимлари турли озиқ-овқат маҳсулотлари ва айрим одатларнинг аёллар бўғимларига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш юзасидан кенг қўламли тадқиқот олиб боришди. 40 дан 65 ёшгача бўлган 76 минг нафар аёл мазкур тажрибага жалб қилинди. Тадқиқот раҳбари профессор Коллинз тажриба натижалари ҳақида шундай дейди: — Қора чой ҳамиша энг фойдали неъмат, кучли антиоксидантлар сирасидан, деб келинади. Бироқ тажриба давомида қора чой истеъмол қилиш билан ревматик артрит хасталиги ўртасида боғлиқлик борлиги аниқланди. Қора чойни кўп ичиш, яъни кунига тўрт пиёладан кўпроқ куюқ қора чой истеъмол қилиш ревматоид артритнинг ривожланиш хавфини анча оширади. Бу ҳол, айниқса, аёлларда кўпроқ кузатилади. Шунга қарамай, доктор К.Коллинз чой ичишдан буткул воз кечишга чақирмайди. — Чойда, сўзсиз, антиоксидантлар, тетиклаштирувчи моддалар мўл, — дея таъкидлайди у. — Эҳтимол, чойдаги бўғимларга таъсир кўрсатувчи нарсаси бу унга ранг-тус берувчи ҳамда буруштирувчи ва бириктирувчи моддалардир. Яъни чойнинг ранги қанча тирқ бўлса, ферментлари ҳам шу қадар агрессив. Агар сиз чинакам чойхўр бўлсангиз кунига бир-икки марта қора чой ичиб, бошқа вақтларда эса бўғимларга зарар етказмайдиган кўк чой ичганингиз маъқул.

Интернет хабарларидан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Абдуқамол Раҳмоновга отаси ШОДИ РАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎШЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАДИ

Маркази раҳбари Фулом Мирзаев бугунги кунда “оммавий маданият” таъдидини энгшиш учун навқирон авлодни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, уларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, ижтимоий фойдаланиш меҳнатга ҳаёт қилиш борақисиди вазибаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан “Ёш авлодни тарбиялашда оила ва маҳалланинг ўрни”, “Буюк аждодларга муносиб авлодлар бўлалик” каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижроси юзасидан “Маҳаллада бошланар ҳаёт”, “Ёшларимиз обод жамият қуришда ҳал қилувчи куч”, “Соғлом авлод буюк ишларга қодир” каби мавзуларда жойларда ташкил этилган учрашувлар, давра суҳбатлари ёшларда катта таъассур қолдирди. Анжуманда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Дин ишлари бўйича қўмита, Миллий гоя ва мафқура илмий-амалий маркази вакилларининг маънавий, миллий гоя, шунингдек бўш вақтни мазмунли ўтказишга доир маърузалари тингланди.

Анжуман

Барно СУЛТОНОВА

Абдулла Қаҳҳор номидаги республика Сатира театри мухлислар эътиборига драматург Исфандиёр пиесаси асосида сахналаштирилган “Наргиз” спектаклини тақдим этди. Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров томонидан лирик комедия жанрида сахналаштирилган ушбу асар оилавий муносабатлар, ёшларнинг ҳаётий қузатувлари, соф севги ва инсоний туйғулар асосида қурилган. Бўйи етган оқила қиз Наргизнинг хонадонига турли тоифадаги одамлар совчиликка келишади. Аммо воқеалар жараёнида уларнинг бири бойликка ружу қўйгани, бошқаси эса муҳаббатнинг қадрига етмаслиги аён бўлади. Охир-оқибат қиз ўз орзуидаги ёри — халол ва диёнатли йигит Бахтиёр билан мурудига етади. Саҳна асарига поэтик жозиба бағишлаш мақсадида Ўзбекистон

“НАРГИЗ”

халқ артисти Камолитдин Раҳимовнинг “Наргиз” қўшиғидан унумли фойдаланилган. Режиссёр Б.Ихтиёров актёрлар ансамблини асосан ёш ижрочилар ҳисобига шакллантиришга ҳаракат қилгани эътиборига эътибор берилди. Сабоби, ёш актёрлар режиссёр мақсадини чуқур англаб, образларни тўғри талқин этишган. Бир сўз билан айтганда, режиссёр муаллиф матнига ижодий ёндашиб, теран ва гўзал ривоят асосида томошабоп, халқчил спектаклни сахналаштира олган. Тақдиротдан сўнг ўтказилган муҳокама жараёнида ҳам бу жиҳат мутахассислар томонидан алоҳида таъкидланди. — Аввало, Бахтиёр акани

ТАҚДИМОТ

Уз мухбиримиз.

ЯЛҚОВЛАР «ҚИРОЛИ»

Жинжаққиллоқлик Омонбойни болалигидан дўст-яқинлари ва ҳамқишлоқлари истеъдодли ялқов сифатида яхши билладилар. — Омонбойни шахсан яқиндан танимасам ҳам, у ҳақда қишлоқдошларидан кўп яхши гаплар эшитганман, — дейди қўшни Қовунқиллоқ касб-ҳунар коллежи раҳбари Мардонбой Муллабоев. — У ҳафта тасига деярли етти кун ўз касби бўлиш ялқовлик билан фаол шуғулланишига қарамай, бўш вақт топдим дегунча ўқишга келишга шошилади. — Ўғлим қишлоғимизда энг келажакли порлоқ ялқов, — дея фахр билан суҳбатга қўшилади қаҳрамонимизнинг отаси, Қулмурод Таппон лақабли машҳур қарта устаси. — Аммо у ўзининг таниқли ялқов эканлигини кўп ҳам пеш қилаверадиган ялқовлардан эмас. Негаки, унга бошқа ялқовларга ўхшаб юлдузлик касалига чалиниб қолма, деб кўп тайинлайман. Ўзингиз биласиз, бугун халққа озгина ялқов бўлиб танилган, ўзини олтинчи осмонда ҳис этиб қоладиган ялқовлар кўп. Ўзингиз-ку кечагина ялқовликни бошлагансан, ниманга кериласан, дейдиган одам йў-е!

«ШҶ» ханасса

Афсуски, Жинжаққа қилган сафаримиз давомида ялқовнинг ўзи билан учрашолмадик. — Ялқов дўстимизни шу кунларда уйдан топиш қийин, — деди унинг яқин ўртоғи Солиҳон. — У айна пайтда қишлоқ тепасидаги адирда бир гуруҳ ялқов шогирдлари билан дам олиб, чумчуқ овляпти. Кечагина менга қўнчироқ қилиб, рогатка билан етмиш бешта қўшнинг бошига етганини қувониб гапирди. Ялқовликдан ортиб, чумчуқ овлашдек муҳим ишлар билан машғул бўлиб юрган машҳур ялқов суҳбатини бевоқифа ололмаган бўлса-да, у ҳақда яқинлари айтган гаплар бўйича анча тасаввурга эга бўлдик. Омонбой ялқовнинг ибратли фаолияти кўплаб тенгдошларининг ҳавасини келтиради.

ЭҲЛОН

Бугун Жинжаққиллоқдаги «Тараллабедис» концерт саройида йилнинг энг ялқов кишиси расман эълон қилиниши муносабати билан, танловга ариза берганлар учун ерга тақдир этилади. Эслатма: танланага номзод дангасаларнинг ўзлари билан биттадан ортик елпичи ва болиш кўтариб киришлари таққиланади.

МУСОБАҚА

Гуруҳнинг ишонган прогунчилари — Инъомжон, Аминжон ва Каримжон ўз соҳалари бўйича бир ҳафталик мусобақа ўйнадилар. Инъомжон кетма-кет тўрт кун қорасини кўрсатмай, 13 паралик натижага эришди. Қойил! Аминжон ҳам ундан қолишмади. У бир кун келиб, бир кун келмай уч кунлик ва 11 паралик натижа билан гуруҳ олқиши ва деканатнинг «самимий» даққисига сазовор бўлди. Бироқ мусобақа фойлибига на Инъомжонга, на Аминжонга насиб этди. Олти кунда фақат бир марта ахборот соатигагина келиб, унда 10 дақиқа иштирок этиб кетган Каримжон гуруҳ прогунчилари ўртасида мутлоқ чемпионликни қўлга киритди.

«МАЗАХҲАРАК»

Ўн беш йиллик талабалик стажига эга Маллаҳўжаев университет радиоси учун берган интервюсида бу даргоҳни яқин йилларда тарқатиш нияти йўқлиги, имкон берилса, талабалардан тўғри пенсияга чиқиш истагида эканини билдирди.

ТАҚИҚҚА ЖАВОБ

Факултет коридорларида сигарет чекиш қатъиян ман қилингани боис, гуруҳнинг ашаддий кашандаси Қайинжон Қайсаров аудиторияларнинг ўзиде чекишни давом эттиришга қарор қилди.

МАСЛАҲАТ

Аразламанг, жоним, сиз аразламанг, ўзим ўсма кўйи шу қошингизга... Шакарханда: — Яхшиси, гўзаллик салони оча қолинг!..

Элмурод НИШОНОВ

“ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИМЛО ЛУҒАТИ”

“Академнашр” нашриёти томонидан “Ўзбек тилининг имло луғати” крилл ва лотин ёзувларида алоҳида-алоҳида китоб ҳолида нашр қилинди. Ўзбек тилининг катта ҳажмдаги мазкур имло луғатининг ҳар бирида 85000 дан ортик сўз ва сўзшаклининг тўғри имловий шакли қайд этилган. Ушбу нашрга 65000 дан ортик сўз ва сўзшакллар жамланган имло луғати чоп этилганига ўттиз беш йилдан зиёд вақт ўтди. Бу орада ўзбек тили лексикасида бир қатор сўзлар имлосида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Кирилл ва лотин ёзувларида “Академнашр” нашриётида босилган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” шу каби ўзгаришларни ҳисобга олиб тузилган, аввалги имло луғатига нисбатан сўз ва терминлар кенгроқ қамралган. Ушбу луғат ўзбек тилининг ҳозирда мавжуд имло луғатларидан: а)сузалингини бойлиги; б)мумлоси қийин ва мунозарали бўлган, ҳозирга қадар имло луғатларига киритилмай келадиган сўзларни ҳам қамраб олганлиги; в)нашр этилган ва этилаётган бошқа тип луғатлар(изоҳли, энциклопедик, терминологик ва ҳоказо)нинг ижобий имловий тажрибалари ҳисобга олинганлиги; г)кейинги ўттиз йил давомида ўзбек тили имло амалиётида юз берган, кўпчилик томонидан маъқул деб топилаётган ижобий имловий ўзгаришларга эътибор берилганлиги; д)муштақиллик даврида ўзбек тилига кириб келган янги сўз ва терминлар ёзилиш шаклини илмий-имловий баҳолагани билан фарқланди.

Янги имло луғат сўзлиги 1976 йили нашр этилган “Ўзбек тилининг имло луғати”, беш йилли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, 12 жилдли “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” сўзликларидан ҳамда мактаб дарсликлари, газета ва журналлардан тўпланган сўзлардан фойдаланиб тузилган. Филология фанлари доктори, профессор Н.Маҳмудов таҳрири остида чоп этилган луғат филология фанлари доктори, профессор Э.Бегматов ва филология фанлари номзоди, катта илмий ходим А.Мадвалиев томонидан тузилган. Илмий муҳаррир Д.Худойбергенова.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган. Нашр муҳаррири А.Шаропов.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзилимиз: uzas@mc.s.uz

Тақдид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Саломат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таъхирингизга келган қўёғмавар тахмин этилмайди ва муаллифларга қайтариқмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлаштириш мумкин.

Масъул котиб — Асрол СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.18

ЖУМА КўНАРАИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2183-634X

9772183634000